

Боқий фикр

Азиз фарзандларим, ҳеч қачон унутманг: сиз эришган марра ва ютуқларингиз халқимиз, элимиз эришган ютуқлар деб ҳисоблайман, сизнинг бугунги ва эртанги кунингиз янада ёруғ бўлиши учун бор кучимни аямайман.

Ислом КАРИМОВ



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2014-yil 29-oktabr, chorshanba № 87 (8736)

ЎЗБЕКИСТОН СПОРТЧИЛАРИНИНГ
ПАРАОСИЁ ЎЙИНЛАРИДАГИ ЮКСАК ҒАЛАБАЛАРИ

Спортчиларимиз 22 олин, 5 кумуш ва 4 бронза, жами 31 медални қўлга киритиб, қирқдан зиёд давлат орасида бешинчи, Марказий Осиё давлатлари ўртасида биринчи ўринни эгаллади.

Паралимпиячиларимизнинг бу юксак ғалабаси халқимизга чексиз ғурур-ифтихор бағишлаши, мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, аввало, инсон ва унинг манфаатлари учун хизмат қилиши, шу юрда яшаётган ҳар бир фуқаронинг миллати, дини, ирқи ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, ҳуқуқ ва эркинликлари тўла таъминланаётганини намойён этгани шубҳасиз.

(Давоми 15-бетда.)

Жанубий Кореянинг Инcheon шахрида нуфузли мусобақа — II Параосиё ўйинлари якунланди. Ушбу йирик спорт анжуманида қитъамизнинг қирқдан зиёд давлатидан спортчилар голиблик учун баҳслашди.

Параосиё ўйинларида ўзбекистонлик 27 нафар спортчи ингил атлетика, дзюдо, сузиш ва ўқ отиш бўйича ўтказилган мусобақаларда Ватанимиз шара-

фини муносиб ҳимоя қилиб, шижоат ва матонат бобида ҳеч кимдан кам эмаслигини ва ҳеч қачон кам бўлмаслигини исботлади.

So'z — konferensiya ishtirokchilariga

“Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш” мавзусидаги халқаро конференция иштирокчилари Урганч шаҳрига етиб келди. 28 октябр кuni улар Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги хўжаликларда, тиббиёт муассасаларида бўлди, Хива шаҳрининг диққатга сазовор жойлари билан танишди.

ОРОЛ ВА ОРОЛБЎЙИ
МУАММОЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ
ЙЎЛИДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

ЎзА махсус мухбирлари халқаро анжуман иштирокчиларининг айримлари билан суҳбатлашди.

Ханс-Ульрих ИМ, Оролни қутқариш халқаро жамғармасининг ижрочи кўмитаси маслаҳатчиси ва халқаро лойиҳалар бўйича менежери:

— Оролнинг қуриган қисмидан миллионлаб тонна туз ва чанг кўтарилиб, жуда катта ҳудудда ҳаво ва тупроқ ифлосланишига сабаб бўлмоқда. Бу аҳоли, жумладан, ёш авлод са-

ломатлигига, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига салбий таъсир кўрсатаётир. Бугунги кунда Оролбўйи аҳолиси генофондини асраш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистонда Оролбўйидаги экологик муаммо ва ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этиш борасида изчил ишлар амалга оширилаётгани эътиборга молик. Ташкilotимиз фаолиятида мамлакатингиз алоҳида ўрин тутди.

(Давоми 2-бетда.)

ОБОД ЮРТДА
ОҲАНГЛАР ТАРАЛАР

Чинорнинг қуёшга ўнғай шохидан сарғимтил барг киши илгамас даражада оҳиста чайқала-чайқала дарахт бандидан узилди-да, аллақандай сеҳрли хиром этишга тушди. Рақси майин... дарахтнинг айри, тик, камонсифат шохлари

орасидан айланиб-учиб, кўкимтир, сап-сарик япроқларни ўйинга чорлаб, ортидан бир қисмини эргаштириб, ҳаваслантириб ўйнай-ўйнай мрамар пиллапоярлар кифтига кўнди. Эҳтимол, уни ҳалиги кузак шамоли учирган дерсиз, йўқ...

... Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган академик лицейи катта ва кичик залларидан таралаётган куй таровати табиатни синовга ҳозирлаётир. Бир неча кундан бери қизғин, тароватли, шуқуҳли ўтаётган “Она юрт оҳанглари” халқаро мусиқа фестивали фақатгина инсонларга эмас, ҳатто атроф-табиатга ҳам файз улашаётгандек.

Ona yurt ohanglari



(Давоми 5-бетда.)

ОРОЛ ВА ОРОЛБЎЙИ МУАММОЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛИДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Хусусан, Ўзбекистон билан ҳамкорликда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, соҳа мутахассислари малакасини ошириш, ўрмонзорлар барпо этишга оид қатор лойиҳалар устида иш олиб борилмоқда. Мазкур глобал муаммо оқибатларини енгилаштириш йўлида биргаликда ҳаракат қилишимиз, бу ишга жамоатчиликни янада кенгроқ жалб этишимиз ва халқроқ ҳамкорликни мустаҳкамлашимиз лозим.

Анхель Фернандес РАМОС, "СУТА" компанияси менежери (Испания):

— Ушбу конференцияга кўплаб мамлакатлардан, нуфузли халқроқ ташкилотлар ва компаниялардан вакиллар таъсир буюргани уларнинг Орол муаммосини ҳал этишга ўз хиссасини қўшиш ниятида эканидан далолатдир.

Компаниямиз институционал ривожланиш, бизнес-инновациялар ва муҳандисликда қўлланиладиган махсуслотларни етказиб бериш ва хизмат кўрсатиш билан шуғулланади. Орол денгизи муаммосини, унинг глобал иқтисодда атроф-муҳитга таъсирини ўрганиш ҳамда оқибатларини юмшатиш борасидаги лойиҳаларда фаол иштирок этиш ниятидамыз.

Ўзбекистонга келганимдан қалбим қувонча тўлди, руҳим кўтарилди. Хивадаги бетакор тарихий обидалар, миллий либос ва унарманлик буюмлари ҳар қандай кишини ҳайратга солади. Ичанқалъани кўриб, маҳобатли миноралар орасида ўзимни гўё мўъжизалар оламида юргандай ҳис этдим.

Ким Хак СУ, Корея Республикаси халқроқ ҳамкорлик агентлиги (КОКА) катта маслаҳатчиси:

— Бугунги кунда Орол муаммоси нафақат Марказий Осиё минтақасининг, балки бутун дунёнинг муаммосига айланган.

Берунги туманидаги ёшлар боғига дарак кўчатларини ўтказишда иштирок этганимиздан, бу ердаги экологик ҳолатни яхшилашга, оз бўлса-да, ҳисса қўшганимиздан хурсандимиз. Оролбўйида курғоқчилик ва шўрча чидамли буталар экиш, дов-дарактлар ва ўсимликларни кўпайтириш бўйича бу каби лойиҳалар амалга оширилаётгани диққатга сазовор. КОКА Ўзбекистон билан бу борадаги ҳамкорликни ривожлантириш, қатор қўшма лойиҳаларни амалга ошириш ниятида.

Харви БОИСГУИЛЛАУМЕ, Франция Экология, барқарор ривожланиш ва энергетика вазирлиги департаменти директори:

— Ўзбекистонда Орол бўйидаги вазиятни яхшилаш бўйича қилинаётган ишлар эътиборга молик. Худудни иқтисодий ривожлантириш, аҳоли саломатлигини яхшилаш ва уни ижтимоий қўллаб-қувватлашга йўналтирилган қатор йирик, аниқ мақсадли дастур ва лойиҳалар амалга оширилаётган. Хоразм вилояти шифохоналарида аҳолига юқори малакали тиббий хизмат кўрсатиш учун яратилган шарт-шароит бизни ниҳоятда қувонтирди. Лекин бу борада ҳали яна кўп ишлар қилиш, халқроқ ҳамкорликни кучайтириш зарур.

"Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш" мавзусидаги халқроқ конференция бутун дунё учун муҳим аҳамият касб этади. Форумда минтақадаги муаммолар атрофлича муҳокама қилиниб, Оролбўйидаги ижтимоий, иқтисодий ва экологик вазиятни яхшилашга доир конструктив режалар ишлаб чиқилишига ишонамиз.

Андреас БРУНДЕР, Халқроқ мустақил тиббий-гуманитар ташкилотнинг Марказий Осиёдаги минтақавий миссияси раҳбари:

— Ташкилотимиз Ўзбекистон билан 1999 йилдан буён ҳамкорлик қилиб келади. Ўзбекистон раҳбарияти мамлакатингизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш ва тиббиёт объектларини энг замонавий ускуналар билан жиҳозлашга катта эътибор бераётгани алоҳида эътирофга молик.

Минтақада энг йирик сув хавзаларидан бирининг таназулга учраши иқлим ўзгариши ва экологик мувозанатнинг ёмонлашувига олиб келмоқда. Бу муаммога биргаликда ечим топиш зарур. Мазкур конференция экология масалаларини ҳал этиш учун янги ёндашувлар ишлаб чиқиш, долзарб лойиҳа ва ташаббусларни муҳокама этиш имконини беради.

Вильгельм МАЙЕР, Швейцария Ташқи ишлар вазирлигининг сув соҳасидаги ҳамкорлик масалалари бўйича махсус вакили:

— Ўзбекистонда сув таъминоти, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш соҳасида изчил илоҳотлар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Мамлакатингизда ушбу мақсадлар учун катта миқдорда инвестиция сарфланаётгани, кўплаб сув ўтказиш тармоқлари, каналлар ва бошқа объектлар қуриш бўйича лойиҳалар амалга оширилаётгани диққатга сазовор.

Шуни қайд этиш керакки, Ўзбекистон экология масалаларини ҳал этишга комплекс равишда ёндашмоқда. Масалан, биз Қорақалпоғистон Республикасида янги боғ барпо этишда бевосита иштирок этдик. Келажакда бу боғ мазкур минтақада экологик аҳолини яхшилашга хизмат қилишига умид қиламиз.

Эрнест РОБЕЛЛО, Германия халқроқ ҳамкорлик жамиятининг дастури раҳбари:

— Манзарали дарактлар боғида кўчат экиш халқроқ анжуманга келган делегациялар аъзолари учун ушбу минтақада экологик аҳолини яхшилашга ҳисса қўшиш учун ажойиб имконият бўлди. Ҳамкорлик айнан шу тарзда мустаҳкамланади ва мазкур халқроқ конференция ҳам шу мақсадга қаратилган.

Экологик офат худудида янги боғ-роғлар, ихота дарактзорлари зонасини ташкил этиш, соғлиқни сақлаш тизими объектларини реконструкция қилиш ва технологик янгилаш бу ерда яшаётган аҳолининг турмуш даражасини оширишга хизмат қилади. Конференция самарасида минтақада лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этувчилар сони янада кўпайишига ишонаман.

Рафазель ЖОЗАН, Франция тараққиёт агентлиги ижрочи директори маслаҳатчиси:

— Бой тарихий ва маданий меросга эга Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тараққиётда катта ютуқларга эришмоқда. Айниқса, қишлоқ ва сув хўжалигини ривожлантириш, янги саноат объектларини ташкил этиш борасидаги муваффақиятлар эътиборга молик.

Ташкилотимиз Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан ўзаро аниқлашув меморандуми имзолади. Энергетика тармоғи ва чикиндиларни қайта ишлаш соҳасида қўшма лойиҳаларни амалга ошироқдамиз. Айни пайтда Орол денгизи хавзасида ҳам ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилмоқда.

ЎЗА махсус мухбирлари Нодира МАНЗУРОВА, Мехрибон МАМЕТОВА ёзиб олди.

АКАДЕМИК ЖЎРА МУСАЕВ



Мамлакатимиз илм-фани оғир жудолукка учради. Биология ва генетика соҳасидаги таникли олим, биология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги Жўра Азимбоевич Мусаев 86 ёшида вафот этди.

Ж.Мусаев 1928 йили Тошкент вилоятида туғилди. 1948 йили Ўрта Осиё давлат университети биолог-ботаник мутахассислиги бўйича тугатиб, аспирантурада ўқини давом эттирди. 1955 йилда номзодлик, 1974 йили докторлик диссертациясини химоя қилди. 1984 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг аъзоси этиб сайланди.

Таникли олим ўзининг 60 йилдан ортиқ илмий-педагогик фаолияти мобайнида Ўзбекистон Миллий университети гўза генетикаси лабораторияси ва кафедраси мудири, профессори, Фанлар академиясининг Усимликлар экспериментал биологияси институти лаборатория мудири, директори, Фанлар академиясининг бош ил-

мий котиби каби масъул лавозимларда самарали меҳнат қилди ҳамда биология ва генетика соҳасидаги долзарб масалаларни тадқиқ этиш, илм-фаннинг мазкур йўналишида юқори малакали кадрлар тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшди.

Ж.Мусаев Ўзбекистонда гўза генетикаси илмий мактабига асос солди. Унинг генетиканинг назарий ҳамда амалий масалаларига бағишланган қатор мақола ва рисоалари, илмий янгилик ва ихтиролари мазкур соҳа ривожини алоҳида ўрин тутгани мамлакатимиз ва хорижий жамоатчиликка яхши маълум.

Захматқаш олим таллабчан ва жонқуяр ус-тоз сифатида кўплаб ёшларга илм-фан сирларидан сабоқ берди. Унинг бевосита раҳбарлигида ўнлаб фан номзодлари ва докторлари тайёрланди.

Академик Ж.Мусаевнинг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. У "Ўзбекистон Республикаси фан арбоби" фахрий унвони, "Буюк хизматлари учун", "Эл-юрт хурмати" орденлари билан мукофотланган, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи даражали давлат мукофотиغا сазовор бўлган эди.

Йирик олим, меҳрибон устоз, камтарин инсон Жўра Мусаевнинг хотираси қалбимизда ҳамisha сақланиб қолади.

И.КАРИМОВ, И.СОБИРОВ, Д.ТОШМУХАМЕДОВА, Ш.МИРЗИЁЕВ, Ш.СОЛИХОВ

МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИ

кутубхоналар фаолиятига ҳам боғлиқ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида "Infolib — 2014" учинчи миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги бошланди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Матбуот ва ахборот агентлиги, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг "Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида"ги қонуни ва Президентимизнинг 2012 йил 20 мартдаги "Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси — ахборот-ресурс маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мамлакатимизда кутубхоналар, ахборот-ресурс марказлари фаолиятини янада такомиллаштиришда дастурлаб бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Миллий кутубхонасига аҳолини кенг жалб қилиш, ёшларнинг мутлоага меҳрини ошириш, оммавий китобхонликни ривожлантириш, фойдаланувчиларни янги нашр этилган ижтимоий-сиёсий, илмий-маърифий, ўқув ва бадиий адабиётлар билан таништириш, кутубхонада кўрсатилаётган аънанавий ва интерфаол хизматларни кенгайтириш муҳим масалага айланди.

— Бугунги кунгача кутубхона фойдаланувчилари сони 6 млн. 900 мингдан ошди, — дейди Ўзбекистон миллий кутубхонаси директори Асаджон Хўжаев. — Кутубхона фонди кун сайин янги адабиётлар, ўқув қўлланмалари ва электрон манбалар билан бойиб бормоқда. Бундан ташқари, кутубхонада ташкиллаштирилаётган турли учрашувлар, викториналар, маҳорат дарслари ўқувчиларнинг китобга

бўлган қизиқшини ошираётган. Етти юз ўринли 11 ўқув зали замонавий технологиялар асосида жиҳозлангани, ноёб тарихий манбаларнинг жамлангани фойдаланувчиларга асқотмоқда.

"Infolib — 2014" учинчи миллий ахборот-кутубхона ҳафталигининг очилишида сўзга чиққанлар китобнинг инсон ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти, ёшлар маънавиятини бойитишда бу каби тadbirlарнинг муҳимлигини таъкидладилар.

— Бугун замонавий технологияларнинг кенг тараққиёти этиши сабабли одамларни китобхонликка қорлаш муаммога айланди, — дейди Тошкентдаги Гёте институти директори Юлия Ханский. — Ўзбекистондаги мана шундай муҳташам, кўрак кутубхоналар эса болаларни китобга жалб этишда муҳим ўрин тутди. Ёшлар келажигимиз, уларни китобга ошно этишимиз келажакни қуришда муҳим роль ўйнайди.

Ҳафталик доирасида билимлар куни, турли танловлар, ижодкорлар



билан учрашувлар, давра суҳбатлари, тадбирлар, кўргазма ва викториналар, фильм ва янги китоблар тақдими ўтказилиши режалаштирилган. Бундан ташқари, чет эллик мутахассислар иштирокида хорижий тилларни тез ва мукамал ўрганишга доир маҳорат дарслари, болалар оркестрининг чиқишлари, шашка ва шахмат бўйича болалар ўртасида турнир ўтказиш кўзда тутилган.

Олимжон ЖУМАОБОВ, «Ma'rifat» мухбири Бурҳон РИЗОКУЛОВ олган сурат.

2014-yil 29-oktabr, № 87 (8736)

МЕНИНГ БИРИНЧИ ОВОЗИМ

мамлакатимизнинг эртанги куни қандай бўлишини ҳал қилади

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим жараён давом этмоқда. Шу йилнинг 21 декабрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловга қизгин тайёргарлик кўрилмоқда: жойларда сайлов участкалари ташкил этилди, аҳолига сайловни ўтказиш, унда фуқароларнинг иштирок этиш ҳуқуқи борасида кенг тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи уларнинг давлатни бошқаришда иштирок этиши, жамият ҳаётидаги ижтимоий вазифини бажариши нуктаи назаридан жуда муҳим. Биз кураётган демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятининг ҳар бир аъзоси атрофда кечаётган сиёсий-ижтимоий жараёнларда бевосита қатнашиши, ўз тақдирига бефарқ эмаслигини билдиради. Негаки, юртнинг бугуни ва эртанги куни билан боғлиқ масала ҳал

бўлаётганда ҳар бир кишининг жиддий ўйлаб берган овози муҳим аҳамият касб этади. Ўз ўрнида, фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти, хусусан, мамлакатимиз аҳолисининг катта қисмини ташкил этадиган ёшларнинг фаол фуқаролик позициясига ҳам боғлиқ.

Бу йил юртимиз академик лицейлари ва касб-хунар коллежларининг 3-босқич ўқувчилари илк бор овоз беришди. Улар сайлаш ҳуқуқи ва овоз бериш тартиби тўғрисида нималарни билишадиган? Кимга ва нима учун овоз беришини, унинг овози эртага мамлакат тараққиётида нечоғлиқ аҳамиятга эга эканини ҳис қилишадими? Илк маротаба овоз берадиган сайловчилар кўнглида «Мен юртимизнинг эртанги тақдирини қандай жиддий ўйлаб кўриб, кейин қарор қабул қилишим керак», деган фикр уйғонганми? Шу каби саволлар юзасидан фаол ўқувчиларнинг фикрлари билан қизиқдик.

Saylov — 2014

Умида ЖУМАЕВА,
Навий техника иқтисодиёт касб-хунар коллежининг 3-босқич ўқувчиси:

— Сайловни демократиянинг асосий ўриниши дейиш мумкин. Шу билан бирга, давлатда қабул қилинган қонунларнинг қай даражада демократик кучга эга эканини кўрсатувчи мезон ҳамдир. Аввалги сайловда мен эндигина 12 ёшга тўлгандим. Ўшанда отам билан бирга кўшилиб сайловга боргандим. Овоз бериш жараёнидан қайтаётим, «Сайлов нима?», «Депутат ким?», «Парламент нима?» деган саволлар билан дадамнинг бошини қотирганман. Кейинчалик бу борадаги тушунчаларни мактабдаги «Конституция оламига саёҳат», «Ватан туйғуси», «Конституциявий ҳуқуқ асослари» дарсларида, коллежа киргач эса, Ўзбекистон Конституцияси, ҳуқуқшунослик фани орқали ўзлаштирдим. Қизиқишларим ҳуқуқшунослик фанини чуқурроқ ўрганишга, Олий Мажлис палаталари, уларнинг ваколатлари, депутатларнинг вазифалари ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлишга ундади. Бунинг натижасида 2013 йили бўлиб ўтган «Конституция — бахтимиз қомуси» республика кўрик-танлови-

да биринчи ўринни олдим. Яқинлашиб келаётган сайлов куни ҳақида гапирадиган бўлсам, бу жараёнда барча фуқаролар, жумладан, биз ёшлар ҳам сиёсий фаол бўлишимиз керак. Эртага қандай қонунлар қабул қилиниши, ижро ҳоқимиёти фаолияти устидан парламент назорати қанчалик даражада қатъият билан олиб борилиши бевосита биз қандай кишиларни депутат этиб сайлашимизга боғлиқ. Демак, менинг бугунги овозим мамлакатимнинг эртанги куни қандай бўлишини ҳал этади.

Саидносирхон ЮНУСОВ,
Кўргонтепа иқтисодиёт коллежининг 3-босқич ўқувчиси:

— Аввало, сайловда қатнашиш мени жамият ҳаётидаги сиёсий жараёнларнинг тенг ҳуқуқли иштирокчисига айлантираётганидан ва муносиб депутатларнинг сайланишига ҳисса қўшишим мумкинлигидан хурсандман. Узимни эртага шу юртинг қорига ярайдиган тadbirkor сифатида тасаввур қиламан. Банкдан имтиёзли кредит олиб, асаларичилик бўйича ўз ишимни йўлга қўйганман. Хозирги кунда асаларимиз 40 қутига етди. Туманимиз бозорига асал билан бирга

асалари муми, прополиси, асалари сути, гулчанг каби маҳсулотлар етказиб бермоқдамиз. Ўзимга ишончим ҳам ошди, кучимга куч қўшилди. Шунинг учун сайловда сайлаш ҳуқуқидан оддийгина фойдаланиб овоз берувчи эмас, эртанги тadbirkorлик фаолияти олдида турган муаммоларни ҳал этиб, янгидан янги имкониятлар эшигини очиб берадиган қонунлар қабул қилинишида фаол қатнашадиган номзодни танлай оладиган етук фуқаро сифатида иштирок этаман. Бунинг учун депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларнинг сайловолди дастурлари билан жиддий танишиб чиқмоқчиман.

Дилнора ЮСУПАЛИЕВА,
Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги Юнусов академик лицейининг 3-босқич ўқувчиси:

— Президентимиз ҳар сафар биз ёшларга «Азиз фарзандларим» дея меҳр билан мурожаат қилиб, спортда бўладими, илм-фан соҳасида бўладими, юксак марраларни забт этишга чорлайди. Бунинг учун барча шароитлар, имкониятлар яратиб берилмоқда. Шунинг самараси ўлароқ, 2014 йили 48-халқаро Мен-

делеев олимпиадасида бронза медални қўлга киритдим. Ушбу йилда яна бир имконият — 21 декабрда бўлиб ўтадиган сайловда биринчи маротаба қатнашиш ва овоз бериш ҳуқуқига эга бўлиб турибман. Устозларимизнинг таъкидлашича, сайловлар юртимиз тинчлиги, ижтимоий-иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш, аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Биз номзодга овоз бераётганда, аввало, ўзимиз учун, эртанги кунимиз учун овоз берамиз. Чунончи, ўз келажиги ҳақида қайғурган ёшлар сайлов жараёнида юртининг бугуни ва эртанги куни билан боғлиқ масала ҳал бўлиши, шу маънода ҳар бир фуқаро сайловга фаоллик ҳамда масъулият билан ёндашиши зарурлигини чуқур англадим. Бўлиб ўтадиган сайловда фаол иштирок этаман, сайлов участкасига катта масъулият, мустақил фикр билан бораман. Сайловни бир имorat деб тасаввур қилсам, менинг овозим унга қўйилган бир г'isht бўлади. Имoratнинг осмон қадар юксалишида ҳар бир г'ishtнинг ўзига ҳос ўрни бўлиши шубҳасиз.

Аброр УМАРҚУЛОВ,
«Ma'rifat» мухбири

8-dekabr — O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi kuni

БАХТЛИ ҲАЁТ КАФОЛАТИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳуқуқий демократик давлатнинг эркин кўзгусидир. Асосий Қонунимизда халқимизнинг асрий орзуларини рўйбга чиқариш, эл-юрт фаровонлигини таъминлашнинг асосий кафолатлари белгилаб қўйилган. Бош Қонунимиз Ўзбекистон халқининг хоҳиш-иродасидан келиб чиқиб, миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштирган ҳолда яратилган. Конституциямиз барча фуқаролар қатори ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг меъёрий жиҳатларини тўла-тўқис акс эттирган. Жумладан, 41-моддасида: «Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир», деб белгилаб қўйилган.

Ўзбекистонда яшовчи барча миллат ва элатларнинг урф-одатлари, тили, маданияти, миллий анъаналарига ҳурмат билан муносабатда бўлиш таъминланган. Истиқлол шарофати билан мамлакатимизда барча фуқаролар, миллати ёки элатидан қатъи назар, тенг ҳуқуқли. Уларга билим олиш, ўз имконияти ва қизиқишлари бўйича касб-хунари бўлиш учун барча имкониятлар яратилган. Жумладан,

умумий ўрта таълим етти тилда олиб борилади.

«Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгилаб берилган таълим мазмунини амалга ошириш бўйича барча вазибалар ижроси изчиллик билан таъминланмоқда. Ўқувчилар ижтимоий фойдаланиш меҳнат жараёнига тайёрлаб берилмоқда. Фарзандларимизни касб-хунар таълими, коллежлар, лицейлар, олий ўқув юртиларида



ўқишга тайёрлаш масалалари ҳам доимий эътиборда турибди.

Ўзбек халқининг ўзига хослигини, этно-маданий, этно-психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ўқувчиларда умумий маданият шакллантирилмоқда. Уларда оммавий педагогик фикрлаш уйғотилиб, даст-

лабни психологик билимлар билан қуролантирилмоқда. Бунда ўғил-қизларнинг эртага ота-она, оила бошлиғи, раҳбар ва тарбиячи бўлиши мумкинлиги инobatта олинаётди.

Фуқаролик жамиятида ҳаётимиз ҳуқуқий ҳужжатлар — қонунларга асосланиб йўлга қўйилади. Қонунларни

яқши билишнинг йўли эса асосий калит — Конституцияни ўрганишдир. Бунга ҳар бир ўқувчи қалби ва онгига етказиш биз, педагогларнинг доимий вазифамиздир.

Малика ОЧИЛОВА,
Денов шаҳридаги
80-мактаб ўқитувчиси

Yangiliklarda yurt nafasi



❖ **Ўзбекистон Бадий академиясида ижод намуналари халқаро танловда ғолиб бўлган ўқувчи-ёшларни тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.**

2014 йил май ойида Мисрда бўлиб ўтган "Қўлда ясалган ўйинчоқлар" халқаро болалар ижодиёти танловида ўзбекистонлик ёш ижодкорлар томонидан яратилган миллий ўйинчоқлар олтин ва кумуш медаллар ҳамда махсус сертификатларга лойиқ топилган эди.

Халқаро болалар ижодиёти танловида ўзбекистонлик ёшлар томонидан тайёрланган миллий ўйинчоқлар нафислиги, жозибadorлиги, табиий материаллардан тайёрланганлиги билан алоҳида эътироф этилди. Республика дизайн коллежи ўқувчиси Дилдора Қаюмова, Шаҳрисабз педагогика коллежи ўқувчиси Фотима Собирова тайёрлаган миллий ўйинчоқлар олтин медалга сазовор бўлди. Қашқадарё вилоят ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати ўқувчилари Дурдона Нуриллаева ҳамда Маржона Эгамованинг ижод намуналари кумуш медалга лойиқ кўрилди. Мазкур билим даргоҳи ўқувчилари Фарангиз Аҳадова, Дилдора Ибодуллагаева, Республика рассомлик коллежи ўқувчилари Гулмира Темирова, Нозима Шодиева, Гулрайно Шукурова ишлаган миллий ўйинчоқлар махсус сертификат билан тақдирланди.

Тадбирда ғолиб ва совриндорларга медал ва сертификатлар топширилди.

❖ **Андижонда ёшлар ўртасида одам савдоси, кашандалик, ичкиликбозлик ва гиёҳвандликнинг олдини олишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни ва вазифаларига бағишлаб тадбир ўтказилди.**

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Андижон вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбир "Соғлом бола йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш, одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолият юритишга ёрдам берилди.

Бунда Президентининг Исрол Каримовнинг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори муҳим дастуриямал бўлаётгани таъкидланди. Инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш, уни турли таъжувлардан, хусусан, одам савдосидан асрашга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирлар ўз самараларини бермоқда.

Тадбирда мавзуга оид маърузалар тинланди.

❖ **Термизда Президентининг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорини ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.**

Тадбирда мазкур фармон ижросини мувофиқлаштириш вилоят комиссияси аъзолари, туман, шаҳар ҳокимлари ўринбосарлари, хотин-қизлар қўмиталари раислари, ҳуқуқ-тартибот идоралари масъул ходимлари, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаз қилиш, соғлиқни сақлаш бошқармалари, таълим муассасалари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди раёони бўлими, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши раҳбарлари иштирок этди.

"Соғлом бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Нуруний" жамғармаси, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида таълим муассасаларида турли маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилмоқда. "Ёш оила қурувчилар мактаби" фаолиятининг самарадорлигини ошириш, касб-хунар коллежи битирувчилари, жумладан, қизларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Йиғилишда оилалар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, никоҳланувчи шахсларни тиббий кўридан ўтказиш, хотин-қизлар бандлиги, доимий ишловчи комиссиялар фаолияти билан боғлиқ масалалар атрофида муҳофизат қилиниб, тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

❖ **Ўзбекистон Бадий академияси Камолитдин Бехзод мемориал бог-музейида Соғлом бола йилига бағишланган "Мўъжаз санъатнинг сеҳрли олами" деб номланган бадий кўргазма очилди.**

Кўргазмада миниатюрчи рассомлар Баҳодир, Бехзод ва Шерзод Хожиметовларнинг асарлари намойиш этилмоқда. Ушбу рассомлар ижоди серкирралиги ҳамда ўзгача нафосати билан эътиборни тортади. Она юртимизнинг бетакор манзаралари, асарлар оша етиб келган миллий қадриятларимиз, замондошларимиз ва аждодларимиз сиймолари ўзига ҳос тарзда қоғоз, панно, лаган, кутича, томошақоқов, локли металл ҳамда териди маҳорат билан ифодаланган.

Кўргазмадан ўрин олган саксонга яқин асар орасида "Мирзо Улугбек", "Шарқона тўй", "Бобур" каби асарлар ўзининг нафис ва ёрқин ранг чизилари, композицион жозибаси билан томошабинларда катта таассурот қолдирмоқда.

— Мамлакатимизда юртдошларимизнинг билим олиши, ўз кизиқиш ва лаёқати бўйича касб-хунар ағаллаши, ижодий-интеллектуал салохиятини юзага чиқариши, меҳнат қилиши учун барча шарт-шароит яратилган, — дейди Ўзбекистон Бадий академияси Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси Баҳодир Хожиметов. — Ушбу кўргазмада замондошларимизга диёримизнинг ўтмиши, бетакор табиати, халқимизнинг ноёб қадриятларини тасвирий санъат орқали таъништириш асосий мақсадимиздир.

ЎЗА ВА МАХСУС МУХБИРЛАРИМИЗ Йўлаган материаллар асосида тайёрланди.

Истеъдодли ёшлар беллашуви

❖ **Самарқанд вилоят "Баркамол авлод" болалар марказида "Мустақиллик — менинг тақдиримда" болалар фестивалининг ҳудудий босқичи бўлиб ўтди.**

Унда туман (шаҳар) босқичларида муваффақиятли иштирок этган 70 дан орტიқ ёш иқтидор эгалари уч йўналиш — техник ижодкорлик, ўлкашунослик ва экология ҳамда бадий ижодиёт бўйича ўз маҳоратини намойиш этди.

— Фестивалда янги электронобиль ишланмаси билан қатнашдим, — дейди Пайарик

туман "Баркамол авлод" болалар маркази аъзоси Худойёр Сайфуллаев. — Мен яратган электронобиль электр қуввати билан ҳаракатланади, у табиат ва инсон саломатлиги учун муштарак зарарсиз.

Ҳакамлар ҳайъати шунингдек, Фарангиз Қодированинг электрон шаклида сўзлашувчи юмшоқ ўйинчоқларини, Ақром

Ражаббоевнинг муқобил электр энергияси бўйича лойиҳасини, Мафтуна Собированинг дизайнерлик маҳоратини, Муштарий Солиеванинг чизмалари ва Насиба Каримова олган фотосуратларни алоҳида эътироф этди.

Фестиваль якунида ғолиб ва совриндорлар ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ҳақим ЖўРАЕВ,
"Ma'rifat" мухбири

Тил ўрганишга яна бир имконият

❖ **Британия кенгашининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси томонидан Халқ таълими вазирлиги, UNICEF болалар жамғармаси, ЎЗДЖТУ хузуридаги Чет тилларни ўқитишнинг инновацион методикаларини ривожлантириш республика илмий-амалий маркази билан ҳамкорликда ўтказилаётган акция жойларда давом этмоқда.**

Болаларга инглиз тилини ўргатиш ва бу жараёнда ота-оналарнинг фаол иштирокини таъминлашга қаратилган шундай семинарлардан бири "Next" савдо-кўнгилочлар мажмуасида бўлиб ўтди. Тадбирда 3 ёшдан 12 ёшгача бўлган болалар ва уларнинг ота-оналари иш-

тирок этиб, турли танлов, интерфаол ўйинлар асосида инглиз тили бўйича ўз билимларини синовдан ўтказдилар.

Эътиборлиси, ўқув-семинар кўнгилочар хусусиятга эга бўлиб, машғулотларда эртак ва бадий фильм қаҳрамонлари кувноқ ўйинлар ёрдамида иштирокчиларнинг инглиз тилида сўзлаш малакаларини оширишга ёрдам беришди. Кичик танловларда ота-оналар ва болажонлар фаол иштирок этиб, инглиз тилини мукамал ўрганишга интилишди.

Тадбир сўнгидея ташкил этилган мусиқий чиқишлар барчага манзур бўлди.

Гавҳар МАТКАРИМОВА,
ЎЗДЖТУ талабаси

Халқаро ҳамкорлик мустаҳкамланмоқда

❖ **Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг қошидаги Шайхонтоҳур академик лицейи педагогик жамоаси пойтахтимизда жойлашган Гёте институти мутахассислари билан дўстона алоқа ўрнатган. Бунга аслида Германия ташқи ишлар вазирлиги томонидан 2008 йилда бошланган «Мактаблар: келажак ҳамкорлари» лойиҳаси орқали асос солинган.**

Таълим даргоҳида ўқувчилар инглиз, немис, француз тиллари гуруҳларига бўлинган. Лицей ўқувчилари турли олий таълим муассасаларига юқори баллар билан қабул қилинмоқда. Жорий йилда ҳам лицейнинг 40 нафар ўқувчиси бошқа фанлар қатори немис тилидан тест синови топшириб, олий таълим муассасаларига қабул қилинган педагоглар мамнуният билан қайди этишади.

— Дунё бўйича «Мактаблар: келажак ҳамкорлари» лойиҳаси 500та таълим муассасаси танлаб олинган. Бу лойиҳада

иштирок этаётган таълим муассасаларидан бири ҳисобланган академик лицейимизнинг немис тили ўқув хонаси базасида марказ ташкил этилди. Таълим жараёнида электрон доска, ксерокопия, сканер, компьютер, принтер, 40та лугат китоби, Германияда нашр қилинган журналлардан фойдаланмоқдамиз. Ўқувчиларнинг немис тилини ўрганишга бўлган қизиқиш ва эҳтиёжини қондиришда замонавий технологиялардан ташқари тўғрақ машғулотларининг ҳам роли катта. Хафтаннинг душанба кунни дарсдан сўнг 14 на-

фар ўқувчига немис тили грамматикаси, мулоқот маданияти, сўз бойлигини ошириш бўйича назарий ва амалий машғулот олиб борилмоқда. Уларнинг барчаси немис тилида эркин гаплаша олади, — дейди академик лицейининг немис тили ўқитувчиси Моҳира Муродова.

Академик лицейида хоржий тилларни ўқитиш бўйича тўпланётган тажрибани Президентимизнинг 2010 йил 12 декабрда қабул қилинган «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлашга қаратилган самарали амалий иш сифатида баҳолаш мумкин.

Хулқар ТҮЙМАНОВА,
"Ma'rifat" мухбири

Дарс сеҳри тилга меҳрни оширади

❖ **Тошкент шаҳар Учтепа туманидаги 251-мактабда Октябр — она тили ва адабиёт, ўзбек тили фанлари ойлги йиғилишга бағишлаб туман мактаблари иштирокида фестиваль ўтказилди.**

«Бебахосан, она тилим!» мавзусида бўлиб ўтган тадбир ижодкор фан ўқитувчилари ва методистлар томонидан ташкил этилди.

Тадбирда таъкидланганидек, фан методистлари ва ўқитувчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги натижасида ишлаб чиқилган тавсиялар асосида ўтилаётган дарслар ўқувчиларини она тилимиз ва адабиётимизга қизиқишини оширмоқда. Қувонарлиси, таълим олаётган бошқа миллат вакиллари ҳам давлат тилига хурмат

билан қараб, ўрганишмоқда, мулоқот қилишмоқда. Тадбирда ижодкор ўқитувчилар орасида «Энг яхши очик дарслар» танлови ташкил қилинди, ўқувчилар она тилимизга бағишлаб шеърлар ўқиб, куй-қўшиқ ижро этишди.

— Илму хунар инсонни улуглайди. Ўқувчиларга ёшлигидан она тилимизга меҳр-муҳаббатли бўлишни ўргатсак, бу тарбия уларага бир умрга татийди, — дейди мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси Зулфия Юсупова. — Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, дарс сеҳри ўқувчини ўзига оханрабодек тортса, ўқитувчи уни жонли ва қизиқарли ўтса она тилига хурмат янада кучаяди.

Дилфуза МИРЗАКАРИМОВА

«Илм-маърифат гулшанининг сара гуллари»

❖ **Тошкент темир йўл муҳандислари институтида иқтидорли, истеъдодли ёш олима аёллар ўртасида факультетларо «Илм-маърифат гулшанининг сара гуллари» танлови ўтказилди.**

Истеъдодли ёш олима аёлларни аниқлаш ва уларни хар томонлама қўллаб-қувватлаш ишларини такомиллаштириш мақсади қўзланган тадбирда сўзга чиққанлар юртимизда хотин-қизларга қаратилаётган эътибор, ижтимоий ва иқтисодий ҳаёт — ишлаб чиқаришда, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият каби

соҳаларда фаоллик кўрсатаётгани, самарали меҳнати туфайли юксак мукофотларга сазовор бўлаётгани хусусида атрофлича фикр юриштиди.

Танлов уч шарт бўйича олиб борилди. Биринчи шартда иштирокчилар ўзи, илмий фаолияти, устози ва кафедра жамоаси ҳақида тақдирот намойиш этишди. Сўнгра ишти-

рокчиларнинг билими ва дунёқараши қанчалик серкирра эканлиги аниқланди. Сўнгги шартда эса олима аёлларнинг инглиз тилини билиш даражаси баҳоланди.

Танлов якунига кўра иқтисодиёт факультети ўқитувчиси Нодирхонон Хўжаева олий соврин соҳибаси деб топилди ва танловнинг кейинги босқичига тавсия этилди.

С.СОИПОВ,
институт маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи

2014-yil 29-oktabr, № 87 (8736)

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Хашамдор, ўзига хос замонавий услуб касб этган мазкур таълим муассасасининг катта залига қадам кўйишим билан гавжум, аммо тинч аудитория дилтортар бир куйнинг оғушида эканини тушундим. Ҳамма-нинг кулоғи динг. Мен эса уч кундан бери танишга айланган меҳмонлару ёш ижрочиларнинг маҳоратидан завқланиб, уларни сўхбатга чорлашга уринардим.

— Андижон вилоятдаги 7-болалар мусиқа ва санъат мактабида ўқиялман, — дейди четда жимгина турган Мавлонбек Ҳурмонов. — Қонун мусиқа асбобини узоқ йиллардан бери чаламан. Устозим Дилором Жабборованинг ёрдами билан унинг турли хил хусусиятларини пухта ўрганаёлман. Тенгдошларимнинг халқаро танловдаги иштирокини кўриб, тўғриси, янада кўпроқ изланишим, меҳнат қилишим кераклигини тушундим. Бари истеъдодли, куйларни тинглаш шунга амин бўласиз.

Дарҳақиқат, бир-биридан майин куйларни тинглай туриб, бир қарашдаёқ уларнинг қай бири голиб чиқиши мумкинлигини айтиш қийиндир, бироқ диққат билан эшитсангиз, иштирокчиларнинг ҳар бири ҳаракатига разм ташласангиз, мукамал ижрони пайкайсиз.

— Гарчи ўзбек мусиқа асбоблари менга янглик бўлсада, келажакда уларни мукамал ўрганишга интиламиз, — дейди танлов ҳайъати аъзоси, россиялик Михаил Долмавов. — Чунки улар менда катта таассурот қолдирди. Жараёни кузатсангиз, ёш истеъдодларнинг маҳорат баҳси, иштиёқ мусобақасига гувоҳ бўласиз. Албатта, мазкур халқаро танлов иштирокчилари кейинги сафар янада кенгайди.

...Унутилмас оҳанглар оғушида вақт ўтганини сезмай қоламизми, ишқилиб, бир онда турли хил буюк композиторларнинг ижодидан намуналар тинглангач, иккинчи турнинг сарҳисоби қилинди-ю, барча Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи катта концерт залини тарқ эга бошлади. Кимдир кейинги босқичга ўтганидан мамнун, биров бу халқаро танловда иштирок этиб, ютқазмагани — кўп нарса ўргангани хусусида тўлиб-тошиб гапирарди.

Иккинчи тур якунланиб, иштирокчилар Самарқанд шаҳрига отланишди.

... Даставвал, темирйўл вокзалида хорижлик санъат вакиллари тантанали кутиб олингач, меҳмонлар шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари, миллий мейморлик намуналари, дунёни лол этган обида ва қадамжолар тарихи билан яқиндан танишдилар.

— Қадимий Самарқанднинг жаҳонга машҳур обидалари хусусида эшитиб, уни бир бор кўриш ниятим эди, — дейди қозғистонлик иштирокчи Саум Асилбекова. — Ҳақиқатан ҳам, шаҳар қиройили, кўчалари озода, чишилари меҳмондўст ва меҳрибон экан. Самарқанддаги ҳеч қайси ерга ўхшамас сехр мен ўзига мафтун этди. Шаҳарсозлик, дунё талаби даражасидаги шароитларни кўриб, меҳр ҳамда қизиқишим янада ортди. Энди Самарқанд, умуман, Ўзбекивнинг ҳақиқати тасаввур ва таассуротларим бир одам. Улар бутун умр хотирамда қолади.

Улуғбек расадхонаси, Хўжа Дониёр макбараси ҳамда Регистон мажмуасидаги меъморий обидалар, тарихий ёдгорликларни зиёрат қилган фестивал иштирокчилари нигоҳида қувонч ҳисси, ҳайратланиш жам эди.

— Фестивалда торли созлар ижрочилиги йўналишида иштирок этаялман, — дейди Озарбойжон миллий консерваторияси қошидаги мусиқа мактаби ўқувчиси Иброҳим Бобоев. — Регистон мажмуаси менга янгиликлар илҳом бағишлади. Бу ерда худди эртақлардагидек, ранглар куёш нурида жилोलаниб, майин оҳангга рақс тушаётгандек. Кушлар ҳам мусиқа садолари остида парвозга шайлангандек. Улуғворлик касб этган



ОБОД ЮРТДА ОҲАНГЛАР ТАРАЛАР

тарихий обидалар мусаффо осмонга туташиб кетганга ўхшайди. Аминманки, юртимизга қайтгач, Самарқанд бағишлаган илҳом, шижоат, жўшқинлик ижодимда, ҳавас-ла боқайтган тенгдошларим ижодиди ўз ифодасини топади.

Шундан сўнг танлов иштирокчилари ва хорижлик меҳмонлар шаҳардаги 1-болалар мусиқа ва санъат мактабига ташриф буюрдилар, яратилган шарт-шароит, ижодий жараён билан яқиндан танишдилар.

Мактабнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, 12та фортепиано, 1та электрофортепиано, 2та концерт рояли, 1та кабинет рояли, ўзбек ва рус чоғулариди, дамли ва зарбли асбоблар жамланмаса, торли созлар, замонавий компьютер техникаси, овоз кучайтирувчи мосламалар ва қаттиқ-юмшқоқ жиҳозлар санъат гўначалари ихтиёрига топширилди. Айни пайтда мактабда 270 нафар ўқувчига 52 педагог таълим-тарбия бериб келмоқда.

Меҳмонлар замонавий хоналарга кириб, ўқитувчи ҳамда ўқувчилар билан ижодий мулоқотда бўлдилар.

— Самарқандлик тенгдошларимнинг ижоди, қизиқишлари, бўш вақтлари нималар билан машғуллиги биз учун жуда қизиқ, — дейди тадбир иштирокчиси Аида Абдуқалиева (Қозғистон). — Бу ерлик ёшлар орасида, гувоҳи бўлганимиздек, санъатга ўзгача меҳр кўйганлар кўп. Уларнинг турли йўналишларда халқаро танловлар голиби бўлганининг ўзидек Самарқанд — истеъдодлар маскани эканлигидан далолат. Мен тенгдошларимга муваффақият тилаймман.

Болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчилари томонидан жаҳон ва миллий мумтоз асарлардан намуналар ижро этилди. Меҳмонларга мактаб маъмуриятининг эсдалик совғалари улашилди.

Халқаро танлов иштирокчиларининг қўҳна шаҳарга уюштирган сафари якунлангач, улар Тошкентга йўл олди. Самарқанд сафари иштирокчиларининг ҳаёлида ўчмас хотира саҳифасини очиб, яна бир ижодий изланишга ундаши шўҳасиз.

...“Она юрт оҳанглари” халқаро танловининг якуний — учинчи босқичи Ўзбекистон давлат консерваториясининг кичик ва катта концерт залла-

рига кўчди. Ҳали концерт залларининг эшиги очилмасидан бурун йиғилган мусиқа ихлосмандларининг қувончи чексиз. Мусиқа асбобини ҳар кун қўрса-да, ҳайратланидилар. Бу ҳайратланиш ортида уларнинг ўзига хос олами, орзулари, интилишлари яширин.

Даставвал катта гуруҳ иштирокчилари қатнашаётган катта концерт зали томон қадам ташладим: бир томонда томошабинлар, иккинчи томонда Т.Жалилов номидаги академик халқ чоғулариди оркестри, дирижёр ва ёш ижрочи. Шу пайт аёл кишининг овози қулғимга чалинди, у ўғли доира чалаётганини айти-иб мақтанар, бутун вужуди бамисоли қулоққа айланганди. Ўғлининг бадий чиқиши тугагач, уни сўхбатга чорлашни ўйладим. Гўлдурос қарсақлар янграгач, аста-секин ўша тарафга юриб бордим.

— Ўғлим Хўршидбек болалигидан мусиқача қизикарди, — дейди Мухайё Ҳамдамова. — Бекор қолди дегунча доира дўмбирлатарди. Энди ўзини халқаро танловларда ҳам сынаб қўраёттир. Олдинги турда Фарҳод Олимовнинг “Шоҳиёна”сини мароқ билан ижро этганди. Ҳозир Левиевнинг “Фантазия”сини янгради. Учинчи босқичда етиб келиш осон бўлмади. Кўриб турибсиз, тенгдошларининг орасида тасодифан голибликка эришганлар йўқ.

Халқаро танловнинг сўнгги турига қадр катта гуруҳда сараланган 15 иштирокчи орасидан энг яхши ижрони танлаш осондек туюлса-да, аслида қийин. Бу нафақат ҳакамлар ҳайъатининг, қолаверса, мусиқачи кун дилдан севган ва уни тушунган томошабинларнинг чапакларига ҳам боғлиқ.

— Турдан турга ўтган сайин бизнинг вазифамиз янада оғирлашаёттир, — дейди “Она юрт оҳанглари” халқаро танловининг ҳакамлар ҳайъати аъзоси Мухаббат Муҳиддинова. — Сабаби, ижрочилар орасидан голибини танлаш мушкул. Бир иштирокчини мана шу голиб чиқиши мумкин деб ўйласангиз, биров ўтиб бошқа ижрочи бутун аудиторияни қойил қолдиради. Қутилмаганда ўқувчиларнинг янги қирралари очилаёттир. Айниқса, ёлда қолгани россиялик Дарья Баранованинг домрада Обернинг “Жига”сини чалгани, қозоқ қизи Айгерим Гарифоланинг прима-домби-

радаги чиқишлари, Сауле Асилбекованинг прима-қўбизи, Жаҳонгирмирзо Фаниевнинг дутор-баси кўз олдимда узоқ вақт сақланиб қолса керак.

Атрофдан гоҳ Тожматовнинг “Рондо концерти”, гоҳ Ф.Назаровнинг “Дутор оҳанглари”, гоҳ эса Норҳўжаевнинг “Наврўз уфориси” янграйди. Аҳамиятисини, уларни қатнашчилар турли хил мусиқа асбобларида чалишса-да, оҳанг Т.Жалилов номидаги академик халқ чоғулариди оркестри кўмагида борган сари ёқимли эшитилади. Орада қисқа танаффуслар берилганда ҳам ботидек най, афгон рубоби, прима-қўбиз, қашқар рубоби, рубоб, дутор оҳанги тинмайди.

Имкониятни қўлдан бой бермай, деган ўйда кичик танаффусдан фойдаланиб кичик гуруҳнинг иштироки ўтаётган зал томон идламадим. Бу ер ҳам гавжум. Аммо пашша учса сезилгудек. Баъзан тоvonнинг “тўқ-тўқ”и эшитилса, баъзан бармоқларнинг узлуксиз, тартибли ҳаракати эътиборингизни тортади. Эндигина 14-15 ёшга тўлган болалар томонидан моҳирона чалинаётган мусиқа асбобларини кўриб, одам юршигайм ийманади.

— Отам ёшлигимда кларнет, флейта чаларди, — дейди томошабин Дилбар Назарова. — Шу боис мусиқа ичида улғайганимнинг тарбиявий аҳамияти юқори. Ҳозир “Сўғдиёна” оркестри ва ёш ижрочиларнинг бир-бирларини тушуниб, куйларни маромига етказиб чалаётганини кўриб, ўша онлар ёдимга келди. Мазкур оркестрнинг дирижёри Феруза Абдураҳимова билан мусиқа брасасидаги фикрларимизни ўртоқлашиб тураймиз. Албатта, мусиқа иштиёқманд ёшларни вояга етказиш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бугунги куннинг талаби.

Сўхбатдошимнинг гапи турғашини ҳамоноқ Аҳадбек Аҳаджов

... Секин ташқарига одимладим. Мармар зинаполярдан тушиб борарканман, хаёлимда бобомнинг гапи гўжгон ўйнай бошлади: “Куй-қўшиқ овоз, обод юртда татийди”.

... Наридеда даррахларнинг узун шохлари силқинар, бўлажак композиторларнинг истеъдодига тан бергандек чапак урар, ўзбек халқининг ўтмишини ўзида жон этган дардли оҳанглари эшитиб, бугунги фазийёб онларнинг қаддини улуг билган осмон кўзёш тўқар, аҳён-аҳён қўқ гумбазининг нилгун қандиллари порлар, башарият йўлини ёриши аҳдига минганди.

нов найда чалган “Фасли баҳор” ўзбек халқ куйи ижросига олқишлар жанранглади. Бирин-кетин навбатдаги ижрочилар саҳнага кўтарила бошлади. Қодировнинг болалар сюитаси 2- ва 3-қисмларининг қонун, чангдаги ижролари ҳам зални қарсақка буркади. Тетиклик, орзуландик, жўшқинлик инган ва аллақандай сехрли наво бир муддат барча томошабинларни сехрлаб кўйгандек эди.

— Сўнгги босқичга қадр этиб келаман, деб ўйламагандим, — дейди озарбойжонлик Омарли Шукур Сафи ўғли. — Ўзбек халқ куйларини завқ билан ижро этдим. Ўзимизнинг каманчада ҳам оҳанг ўзига хос ширали чиқарган, атрофдагиларнинг қарсагидан шунчи сездим. Албатта, мана шу олқишларни эшитиш учун устозим Светлана Алиева билан озмонча меҳнат қилганимиз йўқ.

Тўғриси, ҳар бир иштирокчининг бадий чиқишини томошабинлар қизгин қарши олишди. Айниқса, меҳмондўст халқимизнинг олқишлари меҳмонларни роса шодлантирди. Улар чапакларга мутаносиб — ўз имкониятларини янада орттириб куйларни маромига етказишди. Россиялик Алексей Долмавовнинг бағлам мусиқа асбобида чалган куйлари, Туркиядан ташриф буюрган Эргул Умўт Саннинг бағламдаги ижросини ҳамма жон қулғи билан тинглади. Ўртдошимиз Исломбек Нуриддиновнинг афгон рубоби, Мавлонбек Ҳурмоновнинг қонун мусиқа асбобидаги ижроси барчага бирдек хушнудлик бағишлади.

— Албатта, ёш истеъдодларнинг маҳоратини кўриб ҳавасим келди, — дейди Ўзбекистон давлат консерваторияси талабаси Хўршида Абдулазизова. — Ўзим ҳам чанг мусиқа асбобини қўлдан кўймайман. Халқаро танловни кузата туриб шунга ишондимки, мен ҳам укасингилларимдан кўп нарса ўрганишим мумкин экан. Болаларнинг бир-бири билан муҳокамаларини эшитиб, қувондим. Негаки, бугун улар бир-биридан ўрганаётти, бир-бирига йўртаётти. Фикр, тажриба алмашув ёш авлодининг кейинги танловларда янада муносиб иштирокчини тазминлайди.

Қалбларга бир ҳафта давомида кўтаринки кайфият, илиқлик, меҳр-муҳаббат улашган халқаро танлов ниҳояланиб бораркан, ҳали тугамасдан одамларни яна соғинтира бошлади. “Она юрт оҳанглари” халқаро танловининг тақдирлаш маросимида йўналишлар бўйича голиблар аниқланди. Унга қўра, катта гуруҳда йўналишлар бўйича биринчи ўрин қозғистонлик Айбек Қудайбергенов (дўмбира), россиялик Дарья Баранова(домра), ўзбекистонлик Маъруфжон Қодиржонов (қашқар рубоби)да энг яхши деб топилад бўлса, кичик гуруҳда вакилларимиз Мавлонбек Ҳурмонов(қонун) ва Исломбек Нуриддинов(афгон рубоби), озарбойжонлик Омарли Шукур Сафи ўғли(каманча), россиялик Алексей Долмавов(баян)да ўз йўналишлари бўйича мусиқа фестивалига пухта тайёргарлик қўрганини исботлади.

Олимжон ЖУМАОБОВ,
“Ma'rifat” мухбири
Бурхон РИЗОКУЛОВ олган сурат.

MASALALARNI TENGLAMALAR YORDAMIDA YECHISH

mantiq va mulohazakorlikka asoslanishi lozim

Matematika fani 7-sinfda algebra va geometriya fanlariga bo'linadi. 7-sinf algebra kursida masalalarni tenglamalar yordamida yechish mavzusi alohida o'rin tutadi. Matnli masalalarni yechish o'quvchilarga biroz qiyin tuyulishi tabiiy hol. Bu muammoni hal etish uchun nimalarga e'tibor berish lozim?

Avvalo, bir noma'lumli birinchi darajali tenglamalar mavzusini puxta o'zlashtirish, masala shartini takror o'qib, uning mag'zini chaqishga erishish lozim. So'ng mulohaza yuritib, masala shartida berilgan elementlarni olish, uni mohiyatdan tahlil qilish talab etiladi. Shundan keyingina tenglama tuzishga qo'l urish maqsadga muvofiq. Quyida masalalarni tenglamalar yordamida yechish mavzusi bo'yicha bir nechta murakkab topshiriqlarga to'xtalib o'tamiz.

1-masala. Qayiq daryo oqimi bo'yicha 2,4 km/soat, oqimga qarshi 3,2 km/soat tezlikda suzdi. Qayiqning oqim bo'yicha bosib o'tgan yo'li oqimga qarshi bosib o'tgan yo'lidan 13,2 km ortiq. Agar daryo oqimining tezligi 3,5 km/soat bo'lsa, qayiqning turg'un suvdagi tezligini toping.

Yechish: masalani takror o'qib, quyidagilarga e'tibor qaratamiz. Bu yerda $S=v \cdot t$ formulaga tayangan holda mulohaza yuritamiz.

Qayiqning oqim bo'yicha suzgardagi vaqti $t_1=2,4$ km/soat, oqimga qarshi suzgardagi vaqti $t_2=3,2$ km/soat. Qayiqning turg'un suvdagi tezligi x ga teng. Qayiqning oqim bo'yicha tezligi $v_1=x+3,5$ km/soat. Qayiqning oqimga qarshi tezligi $v_2=x-3,5$ km/soat. Qayiq oqim bo'yicha $S_1=(x+3,5) \cdot 2,4$ km suzgan. Oqimga qarshi $S_2=(x-3,5) \cdot 3,2$ km suzgan.

Oqim bo'yicha bosib o'tilgan yo'l oqimga qarshi bosib o'tilgan yo'lidan 13,2 km ortiq:
 $S_1-S_2=13,2$ km.
 S_1 va S_2 ning o'rniga qiymatlarini qo'yajak, biz izlagan tenglama kelib chiqadi:

$$(x+3,5) \cdot 2,4 - (x-3,5) \cdot 3,2 = 13,2.$$

Birinchi navbatda tenglamadagi qavslarni ochamiz:

$$2,4 \cdot x + 3,5 \cdot 2,4 - (3,2 \cdot x - 3,5 \cdot 3,2) = 13,2$$

$$2,4 \cdot x + 8,4 - 3,2 \cdot x + 11,2 = 13,2.$$

Tenglamaning chap qismidagi o'xshash hadlarni ixchamlaymiz:

$$-0,8 \cdot x + 19,6 = 13,2.$$

$$-0,8 \cdot x = 13,2 - 19,6.$$

$$-0,8 \cdot x = -6,4.$$

$$\text{Bundan } x = \frac{-6,4}{-0,8} = \frac{6,4}{0,8} = 8$$

$x=8$ km/soat. Bu qayiqning turg'un suvdagi tezligidir.

Masalani tekshirib ko'ramiz.

Qayiqning oqim bo'yicha bosib o'tgan yo'li:

$$S_1=(8+3,5) \cdot 2,4=11,5 \cdot 2,4=27,6 \text{ km.}$$

Oqimga qarshi bosib o'tgan yo'li:
 $S_2=(8-3,5) \cdot 3,2=4,5 \cdot 3,2=14,4 \text{ km.}$

Oqim bo'yicha bosib o'tilgan yo'l oqimga qarshi bosib o'tilgan yo'lidan $27,6-14,4=13,2$ km ortiq.
 $13,2=13,2.$

Demak, masala to'g'ri yechilgan.

Javob: qayiqning turg'un suvdagi tezligi 8 km/soat.

2-masala. Zavod mashina ishlab chiqarish bo'yicha buyurtmani 15 kunda bajarishi kerak edi. Lekin zavod har kuni rejadani tashqari 2ta ortiq mashina ishlab chiqarib, muddatiga 2 kun qolganda faqat rejani bajaribgina qolmay, rejadani ortiq yana 6ta mashina ishlab chiqardi. Zavod reja bo'yicha nechta mashina ishlab chiqarishi kerak edi?

Yechish: zavod 15 kunda reja bo'yicha ishlab chiqarishi kerak bo'lgan mashinalar soni x ta. Zavod reja

bo'yicha har kuni $\frac{x}{15}$ ta mashina ishlab chiqarishi kerak.

Zavod har kuni rejadagidan 2 ta ko'p

mashina ishlab chiqargan. Ya'ni: $\frac{x}{15} + 2$

ta. Masala shartiga ko'ra zavod 13 kunda ishlab chiqargan mashinalar

keltirilgan. Zavod 13 kunda $(\frac{x}{15} + 2) \cdot 13$

ta mashina ishlab chiqargan.

Masala sharti bo'yicha 15 kunda ishlab chiqargan mashinalar sonidan, ya'ni reja bo'yicha ishlab chiqarilgan mashinalar sonidan 13 kunda ishlab chiqarilgan mashinalar soni 6 ta ko'p. Mulohaza shu yerga yetganda shart bo'yicha talab qilingan tenglamani yoza olamiz:

$$(\frac{x}{15} + 2) \cdot 13 - x = 6.$$

Endi tenglamani yechishga kirishamiz. Buning uchun oldin qavslarni ochamiz:

$$\frac{13}{15}x + 26 - x = 6.$$

$$\text{Bundan } \frac{13}{15}x - x = 6 - 26.$$

Ushbuni ixchamlasak:

$$-\frac{2}{15}x = -20.$$

Bundan x ni oson topa olamiz.

$$x = -20 : (-\frac{2}{15}) = 20 \cdot \frac{15}{2} = 150.$$

$x=150.$

Demak, zavod reja bo'yicha 15 kunda 150ta mashina ishlab chiqarishi kerak edi. Masalani tekshirib ko'ramiz.

13 kunda ishlab chiqarilgan mashinalar sonini hisoblab chiqamiz:

$$\frac{150}{15} + 2) \cdot 13 = 12 \cdot 13 = 156.$$

Endi rejadagidan 2ta ko'p ishlab chiqarib 13 kunda ishlab chiqarilgan mashinalar sonidan, reja bo'yicha ishlab chiqarilgan mashinalar sonini ayiramiz.

$$156 - 150 = 6.$$

6=6.

Demak, masala to'g'ri yechilgan.

Javob: 150 ta.

3-masala. Do'konda uch kunda 110 kg yog' sotiladi. Ikkinchi kuni birinchi

kunidagining $\frac{3}{8}$ qismicha, uchinchi kuni

esa dastlabki ikki kunda qancha yog' sotilgan bo'lsa, shuncha yog' sotiladi. Do'konda birinchi kuni necha kilogramm yog' sotilgan?

Yechish: do'konda birinchi kuni x kg yog' sotilgan, ikkinchi kuni

birinchi kun sotilgan yog'ning $\frac{3}{8}$

qismiga teng, ya'ni $\frac{3}{8}x$ kg yog' sotilgan.

Uchinchi kuni dastlabki ikki kunda qancha sotilgan bo'lsa, o'shanча yog' sotilgan, ya'ni:

$$x + \frac{3}{8}x \text{ kg.}$$

Shartga ko'ra uch kunda 110 kg yog' sotilgan. Mana shu dalillarga tayangan holda tenglama tuzamiz:

$$x + \frac{3}{8}x + (x + \frac{3}{8}x) = 110.$$

Endi hosil bo'lgan tenglamani yechamiz. Buning uchun tenglamaning ikkala qismini ham 8 ga ko'paytiramiz:

$$8x + 3x + 8x + 3x = 880.$$

Yoki: $22x = 880.$

Noma'lum ko'paytuvchini topish uchun ko'paytmanni ma'lum ko'paytuvchiga bo'lamiz:

$$x = \frac{880}{22} = 40.$$

$x=40$ kg.

Tekshirib ko'ramiz.

Do'konda birinchi kuni 40 kg yog'

sotilgan, ikkinchi kuni $\frac{3}{8} \cdot 40 = 3 \cdot 5 = 15$ kg

yog' sotilgan. Uchinchi kuni sotilgan yog' $40 + 15 = 55$ kg.

Jami: $40 + 15 + 55 = 110$ kg.

110=110.

Demak, masala to'g'ri yechilgan.

Javob: x 40 kg. ga teng.

4-masala. Bir omborda ikkinchisiga qaraganda 2 marta ko'p don bor edi. Birinchi ombordan 750 tonna donni olib ketishdi, ikkinchisiga esa 350 tonna don olib ketishdi, natijada ikkala ombordagi don miqdori bir xil bo'lib qoldi. Dastlab har bir omborda qanchadan don bo'lgan?

Yechish: birinchi omborda $2x$ tonna don bor. Ikkinchi omborda x tonna don bor. Agar birinchi ombordan 750 tonna don olib ketilsa, unda $2x - 750$ tonna don qoladi.

Agar ikkinchi omborga 350 tonna don olib ketilsa, unga $x - 350$ tonna don bo'ladi.

Ombordagi don miqdori hozirgi holatda teng bo'ladi. Shu sababli quyidagi tenglamani yoza olamiz:

$$2x - 750 = x - 350.$$

Ushbuni quyidagicha yechamiz:

$$2x - x = 350 - 750.$$

$x = 1100$ tonna. Bu ikkinchi ombordagi don miqdori. Birinchi ombordagi don miqdori $2 \cdot 1100 = 2200$ tonna.

Endi tekshirib ko'ramiz. Birinchi ombordan 750 tonna don olib ketishdi: $2200 - 750 = 1450$ tonna.

Ikkinchi omborga 350 tonna don qo'shildi: $1100 + 350 = 1450$ tonna.

Demak, $1450 = 1450$. Masala to'g'ri yechilgan.

Javob: 2200 va 1100 tonna.

Yuqoridagi masalalarni yechishda oldin o'tilgan mavzularni esga olish katta ahamiyat kasb etadi. O'quvchilarga murakkabdek tuyuladigan barcha masalalarni hal etishda shunday yo'l tutilsa, ko'zlangan maqsadga oson erishiladi.

Adash AHMEDOV,
Urgut tumanidagi 8-umumta'lim maktabi o'qituvchisi

ҚИЗИҚАРЛИ ВА ФОЙДАЛИ

Бухоро шаҳридаги 19-умумтаълим мактабида ўқувчиларнинг дардан бўш вақтини мазмунли ташкил этиш борасида бой тажриба тўпланган.

“Фан олимпиадаларига ўқувчиларни тайёрлаш”, “Ижодкор ўқувчилар билан ишлаш”, “Хуснихат”, “Ифодали ўқиш”, “Ёш адабиётчи”, “Ёш ижодкор”, “Ёш таржимон”, “Ёш тилишунос” каби қатор тўғарақлар ўқувчиларнинг дардан бўш вақтини мазмунли ва самарали ўтказиш, танлаган йўналишига оид билим ва кўникмасини мустақамлашга хизмат қилмоқда.

Суратда: “Ёш тилишунос” тўғараги раҳбари Наргиза Каримова ўқувчилар билан машғулотда.

ЎЗА фотомухбири
Тоҳир ИСТАТОВ олган сурат.



2014-yil 29-oktabr, № 87 (8736)

Таълим, фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялаш, улар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни мустахкамлаш натижасида кўплаб мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланган. Бу борада, айниқса, олий таълим муассасаларининг ўрни алоҳида. Ўзбекистон Республикаси иқтисодийнинг инновацион жараёнига ўтганлиги муносабати билан бу ишни барча олий таълим даргоҳларида ўзаро баҳамжиҳатликда ташкил этиши, иқтисодий таълим субъектларини инновацион ғоя, лоийҳа ва технологиялар билан бойитиш масаласида давлат моҳиссида жиддий эътибор қаратилаётган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлда эълон қилинган «Инновацион лоийҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳар йили Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодий вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси томонидан «Инновацион ғоялар, лоийҳалар ва технологиялар республика ярмаркаси» ўтказилмоқда. Бу йил ярмарка еттинчи мартаба ўтказилиб, унда Тошкент кимё-технология институти тадқиқотчилари Юта ишланма билан иштирок этди. 8та ишлаб чиқариш корхонаси билан 125 миллион 600 минг сўмлик шартнома имзоланди.

ИЛМИЙ ЛОЙИҲАЛАР – ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

Барча олий таълим муассасалари қатори Тошкент кимё-технология институтида таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзаро алоқани ривожлантириш кун тартибидagi асосий масалалардан бирига айланган. Бу жараёни ташкил этишда таълим хусусиятидан келиб чиқиб устувор йўналишлар белгиланган: 1) силикат материаллар технологиялари доирасида қурилиш материаллари, чинни ва санитар фаянса, шиша ва ситаллар, тиббий материалшунослик, иссиқликни химияловчи материаллар; 2) камбё, нодир металл технологияси; 3) кимёвий ва озиқ-овқат технологияларининг экологик муаммога оид ечимлари; 4) ноорганик бирикмалар технологияси доирасида минерал ўғитлар, ноорганик бирикмалар; 4) органик ва композицион материаллар технологияси доирасида янги органик бирикмалар синтези, янги полимер материаллар, нефть ва газни қайта ишлаш технологияси, катализатор ишлаб чиқариш, целлюлоза асосидаги материаллар; 5) озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологияси доирасида ўсимлик ва бошқа ёғлар ишлаб чиқариш, алкоголь ва алкогольсиз ичимликлар, гўшт ва сўт маҳсулотлари ишлаб чиқариш, дон маҳсулотлари технологияси, озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги.

Санаб ўтилган ушбу йўналишлар институтида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар мазмунини белгилайди. Бу эса бакалавр, магистр, фан докторлиги бўйича мутахассис ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш жараёнини ҳам бевосита қамраб олади. Илмий янгилликларнинг таълим жараёнига сингдирилиши, бакалаврият, магистратура ва докторантура босқичида таълим олаётган бўлғуси кадрларнинг ана шу устувор йўналишлар таркибига сингдирилган мавзуларни ўрганиши, тадқиқ этиши учун шарт-шароит яратиш институт ректорати, илмий кенгаши аъзоларининг диққат-эътиборида бўлиб келмоқда.

— Институтимиз илмий кенгашининг ҳар ой ўтказиладиган йиғилишида устувор йўналишлар бўйича амалга оширилаётган илмий тадқиқот жараёни муҳокама қилиб борилади, — дейди институтнинг илмий ишлар бўйича проректори Равшан Одилов. — 2010 йил 28 январь

да ўтказилган йиғилиш қарори асосида илмий тадқиқот бўлими негизда инновация маркази ташкил этилди. Марказдан ташқари 24та кафедра, 1та муаммоли ва тармоқлараро лабораторияда илмий изланиш ишлари йўлга қўйилган бўлиб, таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси мувофиқлаштирилиб борилаётган. Кейинги йилларда бажарилган ишларнинг умумий ҳажми 1615 млн. 644 минг сўмни ташкил этган бўлса, шундан давлат маблағлари эвазига адо этилаётгани 1301 млн. 444 минг сўмлик илмий-тадқиқот ишлариридир. Ҳўжалик шартномалари асосида 36та мавзу бўйича илмий-тадқиқот иши давом эттирилмоқда. Бунинг режадаги умумий ҳажми 314 млн 200 минг сўмга тенг.

Давлат дастурларига кирган 32та лоийҳадан 11таси фундаментал, 15таси амалий, 6таси эса инновацион илмий ишланмадир. Грант маблағлари ҳисобига илмий базамиз кенгайди — харид қилинган маҳсулот ҳажми 80 млн. сўмдан ортди. Давлат маблағи билан таъминланмаган илмий-тадқиқот ишларини бажаришга 359 нафар профессор-ўқитувчи бириктирилган. Шундан 29 нафари фан доктори, 133 нафари фан номзоди ҳамда 10 нафари катта илмий ходим изланувчи, 56 нафари магистратура босқичида изланиш олиб бораётган йиғитчилардир. Улар ўз мавзулари бўйича бажарадиган ишларини вақтинчалик меҳнат жамоаларида ўрганиш, тадқиқ этиш имконига эга. Илмий тадқиқотлар натижасига кўра, 6та дарслик ва 15та ўқув қўлланмаси, 2та монография яратилди, кўплаб хорижий ва маҳаллий нашрларда илмий мақолалар эълон қилинди ҳамда 5та давлат патенти олинди.

Кадрлар мақсадли равишда тайёрланади

Мустақил Ўзбекистонда барча соҳалар сингари кимё санъати корхоналарини бунёд этиш, уларни замонавий асбоб-ускуна билан таъминлаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг юқори сифат даражаси ва экспортбиллигини таъминлаш, етук ва малакали кадрлар тайёрлаш таъминлаш йўлга қўйиш давлатимиз ички сиёсатида муҳим ўрин тутди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 13 апрелдаги «Кўнгрот сода заводи учун кадрларни мақсадли тайёрлашни таш-

кил этиш тўғрисида»ги қарори худди ана шу мақсадни амалга оширишга қаратилгандир. 2005 йили Кўнгрот сода заводи қошида Тошкент кимё-технология институтининг махсус сиртки бўлим факультети ташкил этилди ва мақсадли равишда кадрлар тайёрлана бошлади. Бу ерда кимёвий технология, технология машина ва жиҳозлар, электротехника, электромеканика ва электротехнология ҳамда муҳандислик коммуникациялари қурилиши таълим йўналишлари бўйича бакалавр, ноорганик моддалар кимёвий технологияси, юқори молекулали бирикмалар кимёвий технологияси, кимё ишлаб чиқариш ва қурилиш корхоналари машиналари ва аппаратлари, электротехника мажмуа ва тизимлари, муҳандислик тизимлари ва махсус жиҳозларни монтаж қилиш технологияси бўйича магистратура таълими ҳам йўлга қўйилди.

Тўлқин НИЗОМОВ, Кўнгрот сода заводи қошидаги КТКИ махсус сиртки бўлим факультети декани, техника фанлари номзоди, доцент:

— Факультетимизнинг бакалаврият босқичида 172 нафар магистратура мутахассисларида эса 30 нафар ёш ишчи талаба ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олмақда. Ҳозирга қадар 520дан зиёд завод мутахассисини илмий таълим олдирди. Факультетимизнинг битирган талаба заводи мазмурияти, Тошкент кимё-технология институти билан уч томонлама шартнома имзолаб, беш йил айнаш шу ерда ишлаб бериши керак. Завод 100 минг тонна кальциниланган сода ишлаб чиқариш қувватига эга. 2015-2016 йилларда унинг иккинчи навбатини ишга тушириш мўлжалланмоқда. Бу яна 100 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти яратилади, деганидир.

Ишлаб чиқаришнинг кенг суръатда йўлга қўйилиши кадрларга эҳтиёжини оширади. Ҳар йили 4та таълим йўналиши бўйича 65 нафар бакалаврият босқичига (таълим муддати уч йил), 12—15 нафар магистратура таълимига (ўқиш муддати 2 йил) завод ишчилари қабул қилинади. Қулайлиги — талаба вақт йўқотиб, бошқа жойга бормайди. Факультетимиз завод қошида жойлашган ва ўқув аудиториялари зарурий жиҳозлар билан таъминланган. Қабул олдидан бўлғуси талабанинг кимё фани бўйича билим даражаси имтиҳон қилинади, махсус комиссия аъзолари абируриентнинг ишлаб чиқариш жараёни ҳақидаги умумий тасаввурини саволлар асосида силановдан ўтказди. Ҳўжжа қабул қилинган талаба аудиторияда эмас, заводда давлат гранти маблағлари эвазига таълим эгалайди. У бир вақтнинг ўзида назарий билимини амалий жиҳатдан мустахкамлайди. Талабаларимиз вақтдан ютиб, ҳам таълим, ҳам ишлаб чиқаришда катта-катта натижаларга эришмоқдалар. Қувонарлиси, билим ва маҳоратини ошириб бораётган ёшларимиздан завод бош механиги Шароф Худойберганов, чех аппаратчиси Қалиббек Сапаров, смена бошлиги Ниетбой Сейтов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида асосан, «Меҳнат шухрати» ордени билан мукофотланди.

Milliy dastur — amalda

23-мартга баътаъдиланган анжуман

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида: «мамлакат илм-фанининг халқаро илмий ҳамжамиятга интеграциясини фойдалантириш, таълим соҳаси ва кадрлар тайёрлашни тақомиллаштириш мақсадида илмий ютуқлар ва олимлар билан ўзаро алмашинув жараёнини кучайтириш зарурлиги таъкидланган. Демак, бундай ёндашув тадқиқотчиларни ўзаро бахшунузарага чорлайди: ўрганилаётган мавзуларни вақти-вақти билан муҳокама қилиш, бу борада хорижий давлатлар таълим босқичини ўрганиш маълум маънода фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзаро яқинлиқни таъминласа, иккинчи жиҳатдан тайёрланаётган кадрлар сало-

Изланиш ва самара

Таълимни фан билан уйғунлаштириш, фанни эса жамиятдаги тегишли соҳалар ривожига йўналтириш интеграция жараёнининг мақсад-мазмунига ҳамроҳандир. Олим томонидан яратилган ишланма чанг босиб ётмаслиги, ишлаб чиқариш корхоналарида тажриба-синовдан ўтказилиши, агар қутилган самарани берса, истиболли лойиҳа сифатида мoliyalashtirilishi керак. Институтда давлат гранти маблағлари ҳамда ҳўжалик шартномалари асосида амалга оширилаётган илмий лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш юзага келган кўп йиллик муаммоларни бартараф этишнинг калити ҳисобланади.

Холтўра МИРЗАКУЛОВ, «Ноорганик моддалар кимё-

вий технологияси» кафедраси профессори, техника фанлари номзоди:

— Олий таълим тизимида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш, етаци корхона ва турдо муассасалар билан ҳамкорлик ўрнатил давр талабидир. Марказий Қизилқум паст навли фосфоритларни қайта ишлашнинг энергия ва ресурс тежамкор технологияларини яратишга муваффақ бўлди. Янги турдаги фосфоритли ўғитлардан бири — «PS-Agro» «Аmmofosmaxam» ОАЖда 2013 йилдан бошлаб ишлаб чиқаришга жорий этилди. Жорий йилнинг сентябрь ойигача бўлган муддатда 130 млрд. сўмлик 200 мингта янги ўғит намунаси ишлаб чиқарилди. Мавжуд ўғит намуналарига таққосланганда, чиқиндисини 20—30 фоиз, аммиак сарфи 2—2,5 мартаба, энергия харажати 10—20 фоиз кам ва маҳсулот таннархи 20—30 фоизга арзон бўлди. Бу тадқиқот паст навли фосфат хомашўлари ишлаб чиқаришга жорий этилса, юқори концентратцияли агрокимё маҳсулотларини олиш имконини беради. Марказий Қизилқум фосфоритидан олинган экстракцион фосфат кислоталарини фтор, сульфат ва бошқа нокерак компонентлардан тозалаб, озуқабоп натрий ва аммоний фосфатлари ишлаб чиқаришнинг самарали технологиясини яратилди ва «Аmmofosmaxam» ОАЖда ишлаб чиқаришга жорий этилди.

Олий маълумот эгалаш жараёни тўрт йиллик даврни ўз ичига олади. Бакалаврият дипломини олган ёш мутахассис ўз соҳасида фаолиятини бошлаши ёки магистратура таълимида ўқини давом эттириши мумкин. Шуниси аниқки, олий таълимнинг хар иккала босқичида ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ривожлантиришга оид мақсадли, самарали мавзулар ўрганилади. Тошкент кимё-технология институтида таълим мазмунидан келиб чиқиб тақлиф қилинаётган илмий лойиҳаларда мамлакатимизнинг органик ва ноорганик кимё, озиқ-овқат саноати, рангли ва нодир металлургия соҳаларини ривожлантиришнинг назарий асослари белгилаб берилмоқда. Бу таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги узвийликнинг яққол исботидир.

Хулқар ТҲИМАНОВА, «Ma'rifat» муҳбири

ДАРС ТАҲЛИЛИ

ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратини ошириш баробарида ўзаро тажриба алмашишга ҳам кенг йўл очади

Очиқ ўқув машғулотини ва дарс таҳлиллари ўқитувчининг тажриба ва маҳоратини ошириши ҳамда замонавий дарс бериш усулларини ўрганишида муҳим ўрин тутadi. Дарс таҳлилида иштирок этган ўқитувчилар мактабда 45 дақиқа, касб-хунар коллежлари ҳамда академик лицейларда 80 дақиқа давомида очиқ ўқув машғулотини кузатади. Жараён давомида иштирокчилар машғулот олиб борадиган ўқитувчининг ҳар бир хатти-ҳаракатини диққат билан кузатиб, дарс таҳлиллари дафтарида ёзиб боришади. Дарс тугагандан сўнг машғулотни кузатган ўқитувчилар биргаликда дарс таҳлилининг ўтказиши, унинг қониқарли, яхши ёки намунали ўтилганини таъкидлаган ҳолда очиқ дарснинг

ижобий жиҳатлари ва камчиликлари кўрсатиб ўтилади. Муҳокама низоҳасида намунавий очиқ дарс баённомаси тўлдирилади ва ўқитувчининг дарсига баҳо берилadi.

Педагоглар ёш ўқитувчи ёки кўп йиллик тажрибага эга бўлган ўқитувчи бўлишидан қатъи назар, дарс таҳлилларида иштирок этишлари шарт. Педагогик юкларнинг "Ўзаро дарсларга кириш ва ёзма расмийлаштирилган ҳолда таҳлил уюштириш" иш тури учун бир семестрда 20 соат вақт ажратилган. Дарсларга кириш жадвал асосида амалга оширилади.

Ўқувчилардан мавзунини сўраш аниқ ва ноанъанавий усулда куйидаги шаклда амалга оширилади ва у дарс таҳлилида эътиборга олинади:

Анъанавий усул	Ноанъанавий усул
1. Фақат ўқитувчидан ўрганади.	1. Ўқувчилар бир-биридан ўрганади.
2. Дарсда фаол иштирок этмайди.	2. Фаол иштирок этади.
3. Ёзилган матнлар ёрдамида ўрганади.	3. Турли мунозаралар, изланиш ва тажрибалар орқали ўрганади.
4. Тайёр тажрибадан ўрганади.	4. Ўқитувчи ёрдамида изланиб, янгилик яратиш орқали ўрганади.
5. Фақат ўқитувчининг ҳолатига қараб ўрганади.	5. Турли ҳаракатлар ва атрофдагиларнинг муносабатига қараб ўрганади.
6. Яхши ташкил этилган муҳитда, аниқ белгиланган вақтда ўрганилади.	6. Эркин фикрловчи гуруҳдан ўрганади.
7. Мақсадга эътибор бермаган ҳолда ўрганади.	7. Мақсадга интилиш, унга эришишга ҳаракат орқали ўрганади.
8. Хато қилишдан қўрқadi.	8. Хатолардан ўрганади.
9. Жавоб бериб туриб ўрганади.	9. Муаммоларни ҳал этиб ўрганади.

Айтиш жоизки, дарс таҳлилида кўпроқ иштирок этган ўқитувчининг педагогик маҳорати оширилади, ўз камчиликларини тuzatadi. Энг муҳими, ўзаро дарс таҳлиллари ўқитувчиларнинг бир-бирига беғараз ёрдам кўрсатиши ва тажриба алмашишига кенг йўл очади.

Таълим назариясида дарс таҳлили илмий таҳлил, методик таҳлил, дидактик таҳлил, умумпедагогик таҳлил каби турларга бўлинади.

1. Илмий таҳлилда ўргатиладиган ўқув материалининг илмий-назарий томони, ўқувчи

бажарадиган мустақил ишнинг тўғри шакллантирилиши, мавзунинг ҳозирги замон тараққиётига боғланиши, дарсликдан ташқари кўшимча адабиётлардан фойдаланилиши, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг нутқ маданияти ва бошқа омиллар қайд этиб борилади.

2. Методик таҳлилда дарснинг ташкил қилишда ўқитувчи фойдаланган методлар, янги мавзунини ўқувчиларга тушунтиришда қўлланилган усул ва воситалар ҳамда улардан қандай фойдалангани, муаммоларни вазиятларни келтириб чиқариши ва улардан оқилона чиқи-

ши, ўқитувчининг услубий маҳорати каби жиҳатларга алоҳида ўрғу берилadi.

3. Дидактик таҳлилда ўқитувчининг таълим турлари ва шаклларида унумли фойдаланиши, кўшимча ўқув адабиётлари, кўргазмалар қурол ва техника воситалари ёрдамида мавзу моҳиятини тўлақонли очиб чиқиб олинадиган...

Дарс таҳлилларида ёш ўқитувчилар кўпроқ жалб этилиши зарур. Сабаби, ёш мутахассислар машғулотларини

кузатиш жараёнида тажриба-ли ўқитувчилардан муаллимликнинг сир-синаотларини, тажрибасини, дарсни юқори савияда ташкил этиш усулларини, ўзининг педагогик маҳоратини ошириш йўллари ўрганади. Тажрибали ўқитувчилар эса ёш ҳамкасблари дарсини кузатиб, уларга тегишли маслаҳат ва тавсиялар беради.

Намунавий очиқ дарслар таҳлили куйидаги мезон асосида баҳоланади:

Т/р	Баҳолаш мезонлари	Максимал балл	Ўқитувчилар томонидан қўйилган балл	Изоҳ
1	Чуқур билимга эгалиги ва педагогик маҳоратини намоён қила олиши	10 балл		
2	Дарсда қўлланилган педагогик технология ва методларнинг янгилиги, ифода шакллари-нинг таъсирчанлиги ва натижавийлиги	13 балл		
3	Ўтилган мавзу бўйича ўқувчиларни баҳолаш ва такрорлаш	8 балл		
4	Ўқувчиларнинг ўзаро фикр алмашувини ташкил этиш	8 балл		
5	Мавзунини тушунтириш усуллари-нинг ўзига хослиги	6 балл		
6	Дарс босқичларида турли манбалардан фойдаланиши	9 балл		
7	Ўқувчилар фаолиятида мотивация ва интенсивликни хосил қилиши ҳамда жараён охиригача сақлаб олиши	9 балл		
8	Дарс беришнинг замонавий воситаларидан самарали фойдаланиши	9 балл		
9	Ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиш	7 балл		
10	Дарснинг мақсадга эришганлиги, самарadorлиги	6 балл		
11	Вақтнинг тўғри тақсимланиши	5 балл		
12	Ўқувчиларнинг ўтилган мавзу бўйича эггалган билимларини бўйича олинган тест натижалари	10 балл		
	Жами:	100 балл		

Jarayon

Намунавий очиқ дарслар жадвалига ёш ўқитувчи дарси қўйилса, у дарсга янада пухта тайёргарлик кўради. Бу эса ўқитувчи билимининг ошишига сабаб бўлади. Кенг қамровли, пухта тайёргарлик кўрилса, дарс янада қизиқарли бўлади.

Аслида ўқитувчига битта очиқ дарсга тайёргарлик кўриши учун 5 соат вақт ажратилади. Очиқ дарс конспектида мавзу кенг қамровли ёритилади. Сабаби, жараён давомида энг мукамал дарс ишланмалари танлови ўтказилади. Албатта, пухта тайёргарлик кўрилган дарслар ҳозирги замон талабларини муҷассам этган ҳолда фanni ўқитишдаги муаммоларни ҳам ҳал этишга қаратилган бўлиши лозим. Шу маънода очиқ дарс ишланмалари ва кўргазмалари фан кафедралари йиғилишида кўриб чиқилади.

Очиқ дарсларнинг ишланмалари билан бир қаторда унинг муаммоси, ўтказиш борасидаги методик кўрсатмалар ишлаб чиқилган бўлиши шарт. Таълим муассасасидаги дарс жараёнининг таҳлилида энг яхши ва самарали натижага эришган дарс ишланмалари илмий-амалий анжуманларга тавсия этилади. Шу мезон бўйича юқори балл тўплаган ўқитувчиларга муносиб баҳо берилadi, маънавий рағбатлантирилади. Юқори кўрсаткичга эришган ўқитувчининг иш тажрибаси вилоят ва республикада оммалаштирилади. Хуллас, дарс таҳлиллари ўқитувчининг ўз устида ишлашга иштиёқини ошириб, таълим сифати ва самарadorлиги ошишига ижобий таъсир кўрсатади.

Исроил Жўраев,
Бухоро муҳандислик-технология институти қошидаги 2-Қоровулбозор академик лицейининг физика фани ўқитувчиси,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси

ТўГАРАККА ҚАМРАБ ОЛИНМАГАН ЎҚУВЧИ ҚОЛМАСИН

Ўқувчининг фанларга қизиқишини ошириш ва билиминин бойитишда қўшимча машғулотларнинг ўрни катта. Тўғарак машғулотлари ана шу мақсадда ташкил этилади. Жиззах шаҳридаги 19-мактабда ўтказилган тўғараклар фестивали бу борада ўзига хос янгилик бўлди. Мактабда ташкил этилган 14та фан ва 15та спорт тўғарагига жами 750 нафар ўқувчи катнайдди.

Фестивални ўтказишдан асосий мақсад ўқувчининг ихтиёрий равишда қайси тўғаракни кўпроқ танлашини кузатиш ва таҳлил қилишдир. Синфлар кесимида ўқувчилар қизиқиши ва фанлигини яна бир бор синовдан ўтказиш имконияти туғилади.

«Моҳир кўллар», «Ёш мусаввир», «Ёш таржимон», «Ёш физик», футбол, волейбол, стол тенниси, шахмат тўғаракларида ўғил-қизларнинг иштиёқ билан шуғулланаётганини кўрган ота-оналарнинг кўнгли тўқ. Тўғарак раҳбарлари машғулотни кўргазмалар қуроллар, ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида жонли ва қизиқарли ташкил

этаётгани учун ўқувчилар дарсдан чиқиши билан шу ерга шошиладилар. Тажрибали мураббийлар «Умид ниҳоллари» мусобақасининг мактаб босқичини бошлаб юборган.

8-«Б» синфга ёш ва изланувчан ўқитувчи Ладивер Аблятипов раҳбарлик қилади. Инглиз тили фанига ўқувчиларда қизиқиш уйғота олган устознинг шоғирдлари билимлар беллашувининг республика босқичида соғирли ўринларни қўлга киритган. Дурдона Эргашева ўтган ўқув йилида ана шундай ютуққа эришган бўлса, унинг ёнига яқинда тенгдоши Лайло Воҳидов

ва қўшилди. Қизлар бу йилги билимлар беллашувига пухта тайёргарлик кўришмоқда.

Ладивер Аблятипов 27 нафар ўғил-қизга синф раҳбари, улар билан доимо дўстона муносабатда. Ҳар бир ўқувчиси билан эринмасдан суҳбат қуради, уларнинг қизиқиши ва орзуларини сўрайди, қобилиятига мос тўғаракка аъзо бўлишини маслаҳат беради. Комрон Раҳмонов бокс бўйича Ўзбекистон чемпиони, халқаро мусобақа иштирокчиси бўлса, Ситора Тўшетиримова катта теннис бўйича вилоят биринчилигида соғирли ўринни қўлга киритган. Ана шу натижалар боис, мактабда мазкур синф ўқувчиларининг рейтингини анча юқори.

Тўғарак самарadorлигини ошириш фан ўқитувчилари зиммасида. Қомила Абдурашидова ва Абдулҳак Шабакоев меҳнат таълими фанидан тўғарак машғулотини олиб беради. Ўқувчининг кас-

бий лаёқати меҳнат тўғарагига яққол кўзга ташланади. Кимдир синглисига пайпоқ тўқса, кимдир рўзгор анжони асади. Тасвирий санъат, инглиз тили, биология ҳамда спорт тўғаракларида Жасур Жалилов, Асқар Алимов, Сайёра Отабекова каби ўқитувчилар ўғил-қизлар иқтидорини юзага чиқаришмоқда.

— Тўғараклар фестивали вилоятимиздаги барча мактабларда ўтказилади, — дейди вилоят халқ таълими бошқармасининг методика кабинети мудири Гулчехра Абдуллаева. — Мақсад — тўғаракка қамраб олинмаган бирорта ҳам ўқувчи қолмасин! Бола нимадир билан бандми, ҳуқуқбузарлик қилиши хаёлига келтирмайди.

Фестивалда мусиқа ва санъат, спорт мактаблари ҳамда «Баркамол авлод» маркази аъзолари ҳам иштирок этиб, нимага қодирлигини намойиш этдилар.

А.СОДИҚОВ,
«Ma'rifat» муҳбири

Tashabbus

2014-yil 29-oktabr, № 87 (8736)

Кишининг узун ва изгиринли, саратоннинг осмони юлдузларга тўла кечаларида барча бахтли болалар сингари мен ҳам кўп эртақ эшитганман. Раҳматли Ёркиной момом матал айтишдан эринмасди. Биз набиралар ҳар сафар қизикарли эртақлар кутардик. Қайсимиз кулган, қайсимиз йиғлаган. Узуну калта, ингичкаю йўғон бўлсақ-да, ўй-фикримиз ўхшаш — ёмонликни билмаган поланолар эдик. Биримиз шаҳзода, иккинчимиз малика! Кўпинча эртақлар тушимизда якун топарди. Бўрининг баковуллигию тулкининг ясовуллиги, чумчукнинг чақимчилигию қарганинг қақимчилиги, қирғовулнинг қизиллигию куйругининг узунлигини маталлар орқали англадик. Дунёни эртақлар ёрдамида танидик. Дунёки, эзгуликлар дунёси...

Ўғай қиз, кенжа ботир, кўк сиргир, жодуланган маликаю сеҳрланган шаҳзода, балиқчи чолу фарзандсиз кампир, оқ деву қора дев, учар гиламлару кўринмас калишлар — ҳамма-ҳаммаси кўз ўнгимизда гавдаланарди. Эртақнинг ижобий қахрамонларига меҳр бердик, қулса кулдик, йиғласа йиғладик. Салбий иллатлардан нафратланиш туйғуси бизда эртақлар тўфайли шакланган.

Момомнинг маталларида ҳар доим яхшилик устун келар, ёмонлик мағлуб бўларди! Доим бир хил — «Шундан кейин улар қирқ кечаю қирқ кундуз тўй қилиб, узоқ ва бахтли ҳаёт кечирибди», деган жумла билан тугарди. Тушларимда қанчадан-қанча шундай тўйларни кўрдим, келин-куёвга бахт тиладим. Эҳ-ҳе, бу ёғи бошқа бир мавзу...

Вақт учагон: кўп умрлар дорил-бақога риҳлат қилади, болалар улғаяди, уларнинг сафига ука-сингиллари кўшилади. Бешга тўлганимда маталчи момом бу дунёни тарк этди... Ваҳоланки, эшитишим керак бўлган эртақлар ҳали кўп эди. Ҳаммасини ўзи билан олиб кетди. Дўстлар хиёрати, бевафо маликалар, фирибгар чўпонлар. Барча эртақларнинг ҳам эзгулик билан тугамаслиги. Уларни энди кимдан эшитаман?! Китоблардан ўқиб чиқишим учун эса йиллар керак бўлди. Кўп йиллар...

Йиллар ўтаверди: балиқчи чолнинг бири икки бўлмади, фарзандсиз кампир қиз кўрди, тилаб олган ёлғизи «қора шаҳзода» билан қочиб кетди. Йиллар ўтаверди: кенжа ботир ер талашиб, акалари билан зиддиятга борди. Жодуланган шаҳзода тузалмади, соҳибжамол маликанинг кутган шаҳзодаси келмади. Йиллар ўтаверди...

Кунлардан бир кун жиянимга эртақ айтиб бердим. У «мик» этмасдан эшитди. Эртақни тугатдим: «Шундан кейин улар узоқ ва бахтли ҳаёт кечирибди». Жияним эса эртақнинг давомини сўрарди: «Кейин нима бўлибди?». Шу биргина савол қалбимда беркиниб ётган туйғуларни жунбушга келтирди.

Бугунчи тўйлар ҳам эртақнинг охирига ўхшайди, гўё. Йигит ўз жуфтига эришиш учун озми-кўпми машаққат чекади. Ёки ота-онаси топган қизга унаштирилади. Ва ниҳоят тўй: «Қирқ кечаю қирқ кундуз тўй берибди. Шундан кейин улар узоқ ва бахтли ҳаёт кечирибди...».

Асл эртақ шундан кейин бошланса-чи? Масалан, бундай чўпчакнинг охири аксар ҳолларда бундай тугайди: «Ҳаёт қийинчиликларини енгиб ўтолмаган «кенжа ботир» ва «соҳибжамол малика» охир-оқибатда икки нафар қорақўзни ҳам ўйламай ажрашишга қарор қилишибди».

Бундай аянчли эртақлар, афсуски, ҳаётда учраб туради. Уларнинг ёзилмагани яхши ва эшитмаганингиз маъқул.

Бугун битилаётган эртақларнинг минг тури бор: «Шундан кейин маликага чўпон йигит кўнғироқ қилибди, SMSлар юбора бошлабди. Бундан хабар топган шаҳзода маликани саройдан бадарга қилибди»; «Шундан кейин баҳодир йи-

гитнинг айблари очила бошлабди: тўсатдан қалтираб қолар, жазавага тушиб маликани калтақлар экан. Соҳибжамол бунга дош беролмабди»; «Шундан кейин маликанинг интернетдаги профилини, вертуал «дўст»лари билан ёзишмаларини ўқиб чиққан шаҳзоданинг ў қаҳдаги фикри ўзгарибди...»; «Шундан кейин қирқ кеча тўй қиламан дея қарзга ботиб қолган баҳодир йигит пул топиш учун хорижга кетибди. У ортига қайтгунча маъшуқаси ҳақида турли миш-мишлар тарқалиб улгурган экан. Йигит бунга дош беролмай, яна қайларгадир бош олиб кетибди»; «Шундан кейин қайнонаси келиннинг сеп-сарпоси кам бўлганини, зев-зийнати етарли эмаслигини пеш қилибди. Орага совуқчилик тушиб, қизнинг отаси маликани ўз кошонасига олиб кетибди»; «Шундан кейин маликанинг боласи носоғлом туғилибди. Чунки у ўз қариндошига турмушга чиққан экан-да», «Шундан кейин ўртада фарзанд бўлмабди. Чунки улар тўйдан олдин табибга кўри-нишмаган экан» ва ҳоказо. Шундан кейин... Бу ёғини ўзингиз давом эттиришингиз мумкин. Охири фожиа билан тугайдиган бундай ҳаётий эртақларни сиз ҳам эшитгансиз. Баъзан одамларнинг «Ай, соҳибжамол малика-я, ёш умри қазон бўлди», «Эҳ, бечора йигитнинг пешонаси шўр экан», дея ачиниб гапирганлари эртақнинг давомидир. Ахир, бу эртақлар ҳам яхшилик билан тугаши мумкин эди-ку?! Тақдир айлари тугшан келин-куёвларнинг ҳам мурод-мақсадларига етиб, узоқ ва бахтли ҳаёт кечиришга ҳақи бор эди-ку?! Аянчли якун топган эртақни тинглагингиз келмайши.

Статистик маълумотларга кўра, ҳар 1000та оила ҳисобига 0,8та ажрашиш тўғри келади (2014 йил 1 ян-

вар ҳолати). 2013 йили ФХДЁ идоралари 303.7 мингта никоҳни расмийлаштирилгани одамни қувонтирса, худди шу йили 24 мингта ажрим қайд этилгани кишини изтиробга солади. 24 минг оила бу — 48 минг эр-хотин деганидир! Агар ҳар бир оилада биттадан фарзанд бўлса, бу — 24 минг бола етим қолди, сарсон-саргардон бўлди, дегани.

Яна маълумотларга таянадиган бўлсак, ажрашишларнинг қарийб учдан бири учинчи одамнинг ара-лашиши оқибатида содир бўлаётган. Шоир бекорга «Сенга инсоф берсин учинчи одам», дея фиғон чекмаган экан-да. Бу учинчи одам ким, ўзи? Сиз ёки мен бўлишим ҳам мумкин. Аксарият ҳолларда учинчи одам куёв ёки келиннинг ота-онаси бўлар экан.

Ажрашган оила фарзандларининг юриш-туришида, ўқишида салбий

ЭРТАҚДАН КЕЙИН...

ҳолатлар юзага келиши турган гап. Уларнинг фанларни ўзлаштириши, жамоатчилик ишларида қатнашиши ҳақидаги савол билан мурожаат қилганимизда пойтахтимиз мактабларидан бирида синф раҳбари бўлиб ишлаётган Наргиза Юсупова шундай жавоб берди:

— Синфимда тўрт боланинг ота-онаси ажрашиб кетган. Шу тўрт ўқувчим — менинг тўрт оғриқли бўғиним. Шу тўрт қорақўз — менинг тўрт томчи кўзёшим. Уларга қараб ичинг ачийди. Табиати оғир, одамлардан ўзини олиб қочади. Ўзлаштириши синфдошларига қараганда суст. Лекин жуда яхши болалар. Кўнглига йўл топсангиз, бас. Аммо қалб эшигини ҳаммага ҳам очавермайди. Ҳар бири билан алоҳида ишлаб, тушунтириш ишларини олиб бордик. Натижаси ёмон бўлмади. Ҳозир уларнинг юриш-туришида ижобий ўзгаришларни кузатаймиз.

Куйида келтирилган воқеани бир қизнинг ўз оғзидан эшитганман. Изтиробли ҳикояга бир қулқоқ бериб кўринг-а! Ажрашиш шамоли оилада ўсаётган ёш ниҳолларни қай томонларга эгиб, қай томонларга юлиб отишига ўзингиз гувоҳ бўласиз:

— *Отам, онам, акам ва мен бирга яшардик. Оиламиз бировнинг олди, бировнинг орқаси эди. Тинч-тотув-лигимизга путур етди. Отам доим ичиб келадиган, турмушдан нолийдиган бўлиб қолди. «Сенинг яшашинг қурсин, меҳмонхонангнинг эшигини мен молхонамга ҳам қўймайман», дебди синфдоши. Отам онамга: «Мижозларингга қиммат қўйлаб тикасан-у, эзингга тўзиган кийим. Сенинг ҳам шундай қўйлақлар кийгинг келмайдими? Келади! Айтмайсан. Эрим қийналиб қолмасин, дейсан. Кеча иеназа ипни қандай ўтказганингни кўрдим, кўздан қола-*

Og'riq

ясан, хотин! Шу ҳам яшашми...» деб роса нолийдиган одат чиқарди. Муштирагим фақат йиғлайди. Мен олтида, акам саккизда эди. Ичкиликбозлик тўфайли оиламиздан файз, барака қочди.

Синфдошининг тағна-маломатини кўтаролмаган отам хорижга кетди. Онам бичиш-тикишни тўхтатди. У отам жўнатган пулга тилло тақинчоқлар олар, бизга ҳам қиммат кийим-кечак харид қилиб, кўғирчоқдек кийинтирарди. Шу билан элга мақтанмоқчидек туюларди. Отамни олти йил кўрмадик, уни соғиниб рангимиз сарғайди. Онам бир кун отамнинг келиётганини айтиб, бизни қувонтирди. Кўзлари ғамгин онамга қараб, хурсанд бўлишимизни ҳам билмадик. Кечаси уйимизга қариндошлар, қўшинлар йиғилишди. Тўй деб ўйлаганимиз аза эканлигини эртаси кун билдик.

Икки йил ўтиб, онам бошқа кишига турмушга чиқди. Акам тоғамнинг кўлида қолди. Мени эса онам «янги дадам»нинг уйига бошлади. Кўрган куним қурсин. Ўғай отам онамни урар, сўкарди... Мактабда ҳам лақабим «етимча» эди. Ўн беш ёшга тўлганимда... бир хунук воқеа рўй берди. Айтишга тилим бормайди... Нима бўлганини эшитган акам ўғай отамни пичоқлаб қўйди. Ҳозир қамоқда. Мен эса... Э, нимасини айтмай, кўриб турибсиз-ку...

Ҳозир тушларимга бир бутунликда яшаб юрган вақтларимиз, онамнинг менга қўйлаб тикиб бергани, отамнинг бизга олиб келадиган хўроққандлари, бир дастурхон атрофида дийдорлашув, ҳазил-мутойиба қилганларимиз кириб чиқади. Кўрган тушим худди эртакка ўхшайди.

Сўхбатдошим ҳасратига якун ясади. Кейин бирдан қиқирлаб кулиб юборди-да, «Онажон, бугун отамнинг ишдан қайтишига сиз тикиб берган янги қўйлагимни кийсам майлими?» деди ўзига ўзи.

Ёнимда турган шифокор энди қиз билан гаплашишнинг фойдаси йўқлигини, бемор ўша бахтли дамларини кўмсаб, ён-веридагиларни ота-онасига ўхшатиб, ҳаёлида жонлантиришини айтди. Бу руҳий калсалликлар шифохонасида даволанаётган, келажаги порлоқ ва бахтли бўлиши мумкин-у, бугун ҳаёти ота-онасининг бемаъни истаклари деб барбод этилган, бир қизнинг аянчли эртагидир.

Энди ҳулоса қилсам: ҳар инсоннинг ҳаётини ҳали ёшиб тугатилмаган эртакка ўхшатаман. Эртақ албатта хайрли якунланиши керак. Якуни фожиали маталнинг айтилмагани дуруст. Ёзила бошланган ҳаётий эртақларга эса учинчи одамнинг аралашishi, тахрир киритишга уриниши... шарт эмас.

Оила қуриш оstonасида туриб, оппоқ орзуларга берилаётган укам! Ўзини шу йигитга бахшида этишга қарор бериб, юраклари дуқиллаб орзикаётган синглим! Биргалашиб эртагингизни шундай битингки, эшитган одамнинг ҳаваси келсин! Илойим...

Жўрабек ЖАНГИРОВ,
"Ma'rifat" муҳбири

Sharh

Интернет энага(ми?)

Интернет ёшлар ўртасида кўпроқ оммавийлашган. Улар хатто катталарга қараганда компьютерни яхшироқ билишади. Бу ҳақида гап кетганда, мавзу ёшларнинг руҳияти ва маънавиятига бориб тақалади. Айни кунда интернетдан фойдаланувчиларнинг ўн фоизи интернетпарастликни йўлиқшмоқда. Интернетпарастлик бу глобал тармоққа киришади, айни кунда интернетдан фойдаланувчиларнинг ўн фоизи интернетпарастликни йўлиқшмоқда. Интернетпарастлик бу глобал тармоққа киришади, айни кунда интернетдан фойдаланувчиларнинг ўн фоизи интернетпарастликни йўлиқшмоқда. Интернетпарастлик бу глобал тармоққа киришади, айни кунда интернетдан фойдаланувчиларнинг ўн фоизи интернетпарастликни йўлиқшмоқда.

Яқинда бир воқеанинг гувоҳи бўлдим. Почтамни текшириш учун интернет-кафега бордим. Мен билан кетма-кет 6-7 ёшлар атрофидаги боласини етаклаган киши кириб келди ва онлайн ўйин қўйиб беришни сўраб, болани компьютер ёнига ўтиргизиб кетди. Мен уни кузата бошладим. Бола жангари ўйин ўйнай бошлади. Орадан ярим соатлар ўтгандан кейин бола телефон қилиб отасидан «хот-дог есам майлими?» деб сўради. Рухсат бўлди, шекилли, бола-кай интернет кафедаги кичик буфетда овқатланди. Унинг олдида бориб сўхбатга тортидим. Айтишига қараганда, у компьютерда кўлаб ўйинлар ўйнай олар, уйда унга қарашга ҳеч ким бўлмаган пайтлари уни интернет-кафеда қолдиришар экан. Фарзандини Интернетга ишониб топшираётган ота-она боласининг соғлигидан, маънавий оламига путур етишидан хавотир олмасмикан? Бу ҳақида боланинг дадасига гапиришга чоғландим. Бироқ орадан бир соат ўтди ҳамки болани олиб кетишга ҳеч ким келмади. Интернет-кафе маъмуридан сўрасам, болакайга икки соатга ўйин улаб берганини айтди. Болалар Интернет энаглигида улғаяётганидан ажабландим.

Чексиз оламни чегараланг

Интернет ҳақида сўз кетганда унинг салбий жиҳатларига кўпроқ урғу берилади. Психологлар ҳам ихтимойий сайтлардаги мулоқот инсон руҳиятига салбий таъсир кўрсатаётганини қайта-қайта таъкидлашмоқда. Кузатишлар жараёнида ўсмир ёшдаги болалар интернетда жойлаштирилган ноҳозир ахборотлар, жумладан, фото ва видео лавхаларга мурожаат этаётгани ҳам аён бўлмоқда. Бу ўринда ота-оналарга компьютерда ишлагани назорат қилиш бўйича дастурларни тавсия этиш вақти аллақачон келганини таъкидлаш лозим. Салбий оқибатлар ҳақида кўп гапирилмоқда. Шундай бўлса-да, чегарасиз кибермақоннинг ижобий тарафларини ўрганиш ва ёшлар ўртасида Интернетдан тўғри фойдаланиш маданиятини шакллантириш, улар онга инсон шайни, одоб-ахлоқ, масъулият каби тушунчаларни синдириш глобал микёсли имкониятлардан унумли фойдаланишга хизмат қилишни яна бир бор эслатишни жоиз топдик.

Санобар ЖУМАНОВА

Ахборотлашган жамятда глобал тармоқ шу қадар кенг тарқалдики, энди Интернетсиз дунёни, бирор фаолият турини тасаввур этиш мушкул. Бугун глобал тармоқнинг «кон томири» деб аталаётган Интернет инсон ҳаётининг параллел олами бўлиб, унда ҳар бир кишининг ўз виртуал ҳаёти ва фаолияти мавжуд. Ушбу оламни параллел дейишимизга сабаб, ҳаётдаги мавжуд тушунчалар олдидан «е», яъни электрон сўзини ифода этувчи қўшимчани қўйиш орқали мақсад ва моҳияти бир хил бўлган атамаларни ифодалашмиз — е-китоб, е-саломатлик, е-ҳукумат, е-тўлов, е-обуна. Сўнгги тадқиқотлар эса тез орада онлайн ва оффлайн олам ўртасидаги чегаранинг йўқолишини кўрсатмоқда. Бундай ҳолатлар Интернетнинг ҳаётимиздаги ўрни янада чуқурроқ таҳлил этиш, у билан боғлиқ янгиликларни кузатиб боришга ундайди.

45 йиллик тарих залвори

Бугун барчанинг ҳаётига бевосита тааллуқли бўлган ахборот, алоқа ва мулоқот воситаси ўз номи билан глобал аҳамиятга эга. Дунёнинг қайси бурчагидан унга мурожаат этманг, у китоб, газета, телевизор, радио, телефон, дўкон, банк, музей каби қиёфаларда намён бўлади. Интернет чексиз ахборот, чегарасиз мулоқот, сўнгсиз имконият олами. Интернетда масофавий таълим олиш, пластик карточка орқали электрон тўловларни амалга ошириш ҳам оддий ҳолга айланди. Хорижда тиббий хизматларнинг ҳам маълум бир қисми, яъни, шифокор қабулига ёзилиш, вақтни белгилаш, таҳлил натижаларини олиш кабилар онлайн тарзда амалга оширилмоқда. Интернет ёшларга билим эгаллаш, катталарга ўз ишини яхши ташкил этиш, корхона ва ташкилотларга халқаро ҳамкорликни олиб бориш, реклама бериш, мижозлар билан ишлаш, мамлакат микёсида эса «Электрон ҳукумат» тизимини йўлга қўйишга хизмат қилаётди.

Эндиликда пайдо бўлаётган музлаткич газ плиталари ҳам интернетга улашишга мўлжалланиб ишлаб чиқарилмоқда.

Маълумки, 1969 йил 29 октябрда АРПАҢЕТ илк бор муваффақиятли синовдан ўтган эди. Орадан 45 йил ўтиб, Интернет салкам ярим асрда бутун дунёни битта тизимда бирлаштира олди, дейишимиз мумкин. У бевосита ва билвосита ҳаммининг ҳаётига, турмуш тарзига кириб борди. Умрида Интернетдан фойдаланмаган 70 ёшли домла яқинда илк бор «Google» кидирув тизимининг имкониятлари билан таниша туриб фамилиясини кидирувга бериб кўрди. Мониторда домланинг қаламига мансуб оммавий ахборот воситаларида чоп этилган бир қатор мақолалари кўринди. Устозим ёш боладай ҳайратини яширолмай «Интернет бу ажойибот экан-ку. У билан шуғулланишни истамасангиз, у сиз билан шуғулланар экан», деди.

Глобал тармоқ — 4 зеттабайт ахборот

Интернет нима, деган саволга ҳаммада ҳам жавоб бор. Бугунги шароитда Интернетдан фойдалана билмаслик, унинг нималиги ҳақида сўрашининг ўзи кулгили, шу билан бирга, уятли ҳам. Баъзилар интернетни дунёдаги кўплаб компьютерлар сервер орқали уланган глобал тармоқ дейди. Кимлардандир шпаргалка, энг сўнгги янгиликлар макони, дўстлар сўхбати, зеркишда овунчоқ каби жавобларни эшитамиз. Буларнинг

осонлиги, яқин кўмакчи бўлган кидирув тизимларининг мавжудлиги ҳам сабаб бўлмоқда. Масалан, ҳар куни Интернетда 500—700 млн.дан ортиқ кидирув амалга оширилади. Уларнинг 16 фоизи умуман янги, аввал амалга оширилмаган сўроқлар. Қолаверса, дизайннинг ўзига хослиги, сурат ва видеолар ҳам одамларни, айникса, ёшларни ўзига оҳанрабодек тортади. Ижтимоий тармоқлар эса инсонларга ўз дунёсини яратишга, ўзигини намойиш этишга имкон бермоқда. Масалан, «Facebook» фойдаланувчилари томонидан ҳар куни 300 млн сурат жойлаштирилади. Сайт ташкил этиш ҳам кўпчи-

шувидан хурсанд бўласиз. Аммо интернетнинг «шарофати» билан мен кўлаб дўстларимнинг дастхатини танимайман. Боиси, замонавий синфдошлар курсдошларим билан доимо интернетда хабарлашамиз. Бир-биримизга юзлаб хатлар, СМСлар жўнатган бўлсакда, бирор марта оқ қоғозни қоралаб мактуб битмаганимиз. Яқинда бир ўқитувчи ўқувчиларнинг ҳусниҳати хунуқлашиб бораётгани ҳақида гапириб, бу ҳолатни бартараф этиш учун ора-орада мустақил ишлар, рефератларни кўлда ёзиш топширигини бераётганини айтди. Чиндан ҳам фақат клавиатурадагина матн териш кўлда чиройли ва тушунарли



барчаси қайсидир маънода тўғри. Шундай бўлса-да, интернетнинг ўзига хос яна бир таърифини келтирмоқчимиз. Интернет бу — тахминан 4 зеттабайт ахборот. Маълумот учун айтиб ўтиш керакки, 1 зеттабайт 1 трлн терабайтга тенг. Бу сон тинимсиз ошиб бормоқда.

Электрон манзиллар миллиарддан ошди

Интернет оламидаги энг сўнгги янгиликлардан бири: жорий йилнинг сентябрь ойида интернетдаги сайтлар ва блоглар сони илк марта 1 млрд.дан ошган. Янгилик ҳақида хабар берган «Netcraft» компанияси мутахассисларининг таъкидлашича, ҳисоб-китоб ишлари бошланган 1995 йилда бундай катта довонни тасаввур этиб бўлмасди. Сабаби, ўша йили веб-сайтлар сони бор-йўғи 18957тани ташкил этган. Интернетнинг оммалашуви 1997 йилга келиб ундаги манзиллар сони 1 млн.га етганида ҳам кўринади. Шундан кейин Интернет манзиллари ёмғирдан кейинги қўзиқориндай кўпайиб борди ва оёйга ўн минглаб сайтлар бутун жаҳон ўргимчак турини бойитиб турди. Интернетнинг янада кенг қулоч ёйишига шу йили Интернетни мувофиқлаштирувчи ICANN ташкилоти томонидан .deals, auction, .yandex, .city, .media каби бир неча янги доменларнинг ишга туширилиши ҳам катта ҳисса қўйиши кутулмоқда.

Гиперматн занжири

Интернетнинг оммалашуви-га ундан фойдаланишининг

лик учун мураккаб эмас. Хатто бу борада тайёр медиа маҳсулотни жойлаштириш мумкин бўлган веб-саҳифаларни тақдир этувчи қатор дастурлар бор. Шу боис ҳам сайтлар сони мунтазам ошиб бориши кутулмоқда. Интернетда ҳар дақиқада тахминан 70 домен рўйхатдан ўтади, блоггерлар 1500та янгилик жойлаштиришади ва 60та янги блог очилади. Мавзулар ранг-баранглиги, хизматлар турфалиги, кейинги саҳифаларга йўлловчи гиперматнлар занжири сабабли ҳам битта ахборотни олиш ёки бирорта хат жўнатиш истагида интернетга кирган инсон ўрта ҳисобда 51 дақиқа қолиб кетади. Одамлар оёйга ўртача 25 соат глобал тармоқда «яшайди».

Хусниҳатни унутмайлик

2013 йилги таҳлилларга кўра, Интернет орқали кунига 182 млрд хат жўнатилган. Йил бўйи 7 трлн е-мактуб ўз эгасига етказилган. 2012 йили эса бу кўрсаткич кунига 144 млн, йилга 52 трлн.ни ташкил этган эди. Gmail, Yandex, Yahoo! катта миқдордаги хатларни манзилига етказишда «жонбозлик кўрсатадиган» дастурлар. Ҳа, Интернет энг тезкор хат ташувчи. Мамлакатимизда ўтган йили uMail.uz бошқу электрон почта хизматининг йўлга қўйилиши узнетдаги катта воқеали сифатида баҳоланди. UZINFOCOM маркази томонидан ишлаб чиқилган ушбу почта хизмати тез оммалашиб бормоқда. Утган давр ичда ундан фойдаланувчилар сони 37 миңдан ошди.

Усиҳ кўрсаткичларидан, олис манзилларнинг яқинла-

2014-yil 29-oktabr, № 87 (8736)



«Reuters» axborot agentligining xabar bеришича, AQShning Vashington штати Мэрисвилл шаҳридаги мактабда ўқ отар қурол билан уч ўқувчини жароҳатлаб, икки тенгдошининг умрига зомин бўлган 15 ёшли Жейлен Фрайберг ўз қурбонларини SMS-хабар орқали мактаб ошхонасига чақириб олгани маълум бўлди.

219 нафар ўқувчи қизни ҳамон асирликда сақлаб келаётган «Боко ҳарам» радикал гуруҳи жангарилари Нигериянинг шимоли-шарқий қисмидаги Мафа шаҳридан яна 30 нафар бола ва 300та сигирни ўғирлаб кетган, шунингдек, Ндонго қишлоғида 17та кишини ўлдириб, овулни талон-тарож қилган ва уйларни ёқиб юборган.

Замбия жанубидаги қўлда йўловчиларнинг ҳаддан зиёд тўлиб кетиши натижасида паронинг ҳалокатга учраши оқибатида ҳалок бўлган 26 кишининг 23 нафари болалар экани, қидирув-қутқарув ишлари давом эттирилаётгани хабар қилинган.

Эстониянинг Виланд шаҳридаги «Паалалинна» мактабида маҳаллий вақт билан қундузи соат иккиларда немис тили ўқитувчисини отиб ташлаган 9-синф ўқувчисининг қўлга олингани, ҳодиса сабаблари ўрганилаётгани ҳақида хабарлар тарқатилган.

Канаданинг Сарния шаҳрида sanoat миқёсида кимёвий тозалаш ва техник хизмат кўрсатиш билан шугулланувчи «Veolia ES Canada Industrial Services Inc.» заводида рўй берган портлаш оқибатида бир киши ҳалок бўлган ва яна тўрт ишчи жароҳат олган.

«Associated Press» axborot agentligi tomonidan xabar қилинишича, Ҳиндистон қарбидagi Гоа штатида жойлашган Бутул соҳилидан дельфинларни томоша қилиш учун моторли қайиққа ўтириб денгиз ичкаригига йўл олган 10 нафар россиялик сайёҳ катери кучли тўлқинга дуч келиб ағдарилиши оқибатида унинг остида қолиб кетган уч киши ҳаётдан қўз юмган, қолган йўловчилар ҳақида ҳозирча бирор маълумот йўқ.

“ИССИҚ АРКТИКА — СОВУҚ ЕВРООСИЁ”

Сўнгги вақтларда Европада қишининг қаттиқ келишига атмосферада ҳаво айланиши тартибини ўзгартираётган Арктика музларининг эриши сабаб бўлмоқда. Олимларнинг «Nature Geoscience» журналида эълон қилинган хулосаларига кўра, Евроосиёнинг қишки об-ҳавосига Арктиканинг Баренц ва Кара денгизи музлари катта таъсир кўрсатмоқда.

Мори Масато бошчилигидаги Токио университети олимлари 1979—2013 йилларда Арктика музларининг эриши атмосферасига қандай таъсир кўрсатганини ҳисоб-китоб қилиб чиқишди. Ҳақиқатан ҳам, 2004-2005 йилларда минтақада музлар камай бошлаши билан геологлар қутилмаган иқлим ўзгаришларини қайд этиб, бу ҳолатга «Иссиқ Арктика ва совуқ Евроосиё» («Warm Arctic and Cold Eurasia, WACE») деб ном беришди.

Кутилганидек, музлар эрий бошлаши билан қутб яқинидаги минтақаларда ҳаво ҳарорати кескин совиёт бошлади. Кучли совуш жараёни, айниқса, Шимолий Евроосиё ҳудудида қишининг қаттиқ келишига сабаб бўлди. Бирок олимлар бундай совуқ вақтинча ҳужумор бўлади, деб оғохлантиришмоқда. Тўғри, сайёраимизда давом этаётган глобал иссиқ Арктика музларини эритиши оқибатида Европада совуқ киши ҳужумор бўлмоқда. Бирок бу Ер шарни иқлимнинг умумий ҳолатига у қадар катта таъсир кўрсатмаслиги ҳам айтилмоқда.

КАКАО ХОТИРА СУСТЛАШУВИГА ҚАРШИ

Америкалик олимларнинг фикрича, какао кексаларда учрайдиган ақлий заифликка қарши самарали восита бўлиши мумкин. Какао доналарининг бу хусусияти таркибидаги флавоноллар билан боғлиқ.

«Nature Neuroscience» журналида эълон қилинишича, тадқиқотда иштирок этган 50—69 ёшдаги 37 киши дастлаб икки гуруҳга ажратилди. Биринчи гуруҳ аъзолари кунига таркибида 90 мг флавонол бўлган кофе ичишган бўлса, иккинчи гуруҳдагилар тахминан 90 баробар камроқ какао истеъмол қилишди.

Тадқиқот учун ажратилган муддат тугаган, барча иштирокчилардан хотира тестлари олинди. Яқунда кўпроқ какао истеъмол қилганлар топшириқларни бошқалардан кўра яхшироқ бажаргани маълум бўлди.

Олимларнинг фикрича, флавоноллар хотира пасайишига сабаб бўлган бош миyaning айрим қисмларида қон айланишини яхшилайдди. Мақола муаллифларидан бири Скотт Смоллинг таъкидлашича, уч ой давомида какао истеъмол қилганидан сўнг кексалар хотираси анча яхшилانган. Бирок олимлар аниқ хулоса чиқаришга ҳали эрталигини айтишмоқда. Якуний хулоса учибу йўналишида ўтказилажак кенг қўламли изланишлар натижасига боғлиқ.

Бундан аввалроқ эса Шотландиядаги Абердин университети олимлари флавонолларнинг юрак-қон томир хасталиқларида ижобий таъсир кўрсатишини, какао айниқса эркаклар учун фойдали эканини исботлашган эди.

СОНИЯСИГА 255 ТЕРАБИТ ТЕЗЛИК

АҚШ, Нидерландия ва Хитой олимлари сониясига 255 терабитгача тезликда ахборот узатиш қобилиятига эга бўлган янги тола яратди. Тадқиқотчиларнинг қайд этишича, технологиялар ривожланиб боргани сари ахборот узатиш тезлигининг ошишига талаб ҳам геометрик прогрессияда ўсиб бормоқда.

«Nature Photonics» илмий журналида келтирилишича, янги материалнинг ўтказувчанлик қобилияти сониясига 7—8 терабит ахборот узатувчи одадий кабелларга қараганда 21 марта юқори.

Шу вақтга қадар оптик толали кабеллар орқали катта ҳажмли ахборотларни жўнатиш юқори қувватли ёруғлик тўлқинларини келтириб чиқа-



рувчи оптик қонунлари сабабли анча чекланган эди. Шунингдек, одадий оптик тола ўзаги пластик ёки ойнадан тайёрланган цилиндрни ўз ичига олган бўлиб, кабел бўйлаб ёруғлик нурини четга чиқармасликка хизмат қилувчи махсус қатлам билан ўралар эди. Тадқиқотчиларнинг сўзларига кўра, улар битта ўзақ тола ўрнига еттасини жойлаштиришди. Шу билан бирга, янги оптик толали кабелга яна иккита қўшимча ўзгартириш киритилди.

ОНГОСТИ ХОТИРА ЯНГИ АХБОРОТЛАРНИ ЭСЛАБ ҚОЛИШДА МУҲИМ

Олимлар мияда кечувчи хотирадаги маълумотларни таҳлил қилиш жараёни билан янги ахборотларни ўрганиш ўртасидаги боғлиқлиқни аниқлашди. Бу борадаги тадқиқот Остиндаги Техас университети (АҚШ) психологлари томонидан олиб борилди.

«Proceedings of the National Academy of Sciences» журналида келтирилишича, хотиранинг қайта таҳлил этилиши кейинчалик янги маълумотларнинг қабул қилинишига таъсир кўрсатади. Мутахассисларга қачонлардир олинган ахборотларнинг бош миёда инсон ихтиёрсиз қайта таҳлил қилиниши навбатдаги маълумотларни ўзлаштиришга таъсир кўрсатиши аввалдан маълум эди. Яъни, ўқилган матн ёки қўрилган видеотасвирни инсон миёси ўз-ўзича таҳлил қилади. Бу жараён одамлар бошқа ишлар билан машғул бўлганда ёки уйқуга кетганда ҳам давом этади. Шу тариқа олинган материал мияда яхшироқ ўзлаштирилиб, қайта ишланади. Бугунга қадар номаълум қолаётган жиҳат эса ушбу жараён янги олинаётган ахборотларга ҳам таъсир кўрсатадими-йўқми, деган савол билан боғлиқ.

Психологлар тадқиқот ишига 35 нафар кўнгиллини жалб этишди. Дастлаб қатнашчиларга А ва В суратлар бир неча маротаба қайта намойиш этилиб, суратда ифода-ланган тасвирни эслаб қолиш сўралди. Танаффуслар вақтида иштирокчилар бошқа нарсалар ҳақида ўйлар экан (фақат ухлаш ҳақида эмас), уларнинг миёсидаги нейрон ўзгаришлари магнит-резонанс томографияси орқали кузатиб борилди. Шундан сўнг кўнгиллиларга бир қатор янги суратлар кўрсатилиб, янги тасвирларнинг қанчалик ёдда сақлангани ўрганилди.

Магнит-резонанс томография натижаларидан маълум бўлдики, бош миyaning айрим қисмларидаги нейронлар фаолияти даражаси янги суратларни эслаб қолишга катта таъсир кўрсатган. Дастлабки тадқиқотлар мобайнида маълумотларни таҳлил қилиш қанчалик фаол кечган бўлса, улар билан боғлиқ янги маълумотлар шунчалик яхши эслаб қолинган.

БАЛИҚЛАР ҲАМ ЎЙИНҚАРОҚЛИКНИ ЁҚТИРАДИ

Тенниси университети профессори Гордон Бурҗардт бошчилигида ўтказилган қузатувлар балиқлар ҳам ўйинларни ёқтиришини кўрсатди. Икки йиллик изланишлар натижаси «Ethology» илмий журналида эълон қилинди.

Тадқиқотчилар аввалроқ ўйинқароқлик одадини нафақат сўт эмизувчилар, балки судралиб юрувчи ва умуртқасизларда ҳам кузатишган эди. Бирок бугунга қадар бундай ноодатий ҳаракатлар балиқларда қайд этилмаганди.

Бурҗардтнинг қайд этишича, ўйинқароқлик балиқлардаги ўзгармас ва тақрорланувчи ҳаракатлар ҳосиласи бўлиб, хавфсиз ва тинч муҳитда юзага чиқади.

Олимлар «Tropheus duboisi» турига мансуб учта эркак балиқни кузатар экан, улар аквариум тубига мустаҳкамланган термометрни атайин уриб ўйнаётганини пайқаб қолишди. Бурҗардт термометрни тебратиб, балиқларни яна ўйнашга ундагандан кейин улар бу машғулота бажонидил киришди.

Олимларнинг сўзларига кўра, жониворлардаги ўйин феноменини ўрганиш инсон табиатини ҳам чуқурроқ аңлаш, ўйинларнинг ривожланиш босқичларида қанчалик аҳамият касб этишини аниқлашга ёрдам беради.

Санжар РУСТАМОВ, Одина ҚУЛМУРОВА тайёрлади.

рувчи оптик қонунлари сабабли анча чекланган эди. Шунингдек, одадий оптик тола ўзаги пластик ёки ойнадан тайёрланган цилиндрни ўз ичига олган бўлиб, кабел бўйлаб ёруғлик нурини четга чиқармасликка хизмат қилувчи махсус қатлам билан ўралар эди. Тадқиқотчиларнинг сўзларига кўра, улар битта ўзақ тола ўрнига еттасини жойлаштиришди. Шу билан бирга, янги оптик толали кабелга яна иккита қўшимча ўзгартириш киритилди.

Мутахассислар мазкур толаларга алоҳида ахборот таъсир кўрсатиши аввалдан маълум эди. Яъни, ўқилган матн ёки қўрилган видеотасвирни инсон миёси ўз-ўзича таҳлил қилади. Бу жараён одамлар бошқа ишлар билан машғул бўлганда ёки уйқуга кетганда ҳам давом этади. Шу тариқа олинган материал мияда яхшироқ ўзлаштирилиб, қайта ишланади. Бугунга қадар номаълум қолаётган жиҳат эса ушбу жараён янги олинаётган ахборотларга ҳам таъсир кўрсатадими-йўқми, деган савол билан боғлиқ.

ОНГОСТИ ХОТИРА ЯНГИ АХБОРОТЛАРНИ ЭСЛАБ ҚОЛИШДА МУҲИМ

Олимлар мияда кечувчи хотирадаги маълумотларни таҳлил қилиш жараёни билан янги ахборотларни ўрганиш ўртасидаги боғлиқлиқни аниқлашди. Бу борадаги тадқиқот Остиндаги Техас университети (АҚШ) психологлари томонидан олиб борилди.

«Proceedings of the National Academy of Sciences» журналида келтирилишича, хотиранинг қайта таҳлил этилиши кейинчалик янги маълумотларнинг қабул қилинишига таъсир кўрсатади. Мутахассисларга қачонлардир олинган ахборотларнинг бош миёда инсон ихтиёрсиз қайта таҳлил қилиниши навбатдаги маълумотларни ўзлаштиришга таъсир кўрсатиши аввалдан маълум эди. Яъни, ўқилган матн ёки қўрилган видеотасвирни инсон миёси ўз-ўзича таҳлил қилади. Бу жараён одамлар бошқа ишлар билан машғул бўлганда ёки уйқуга кетганда ҳам давом этади. Шу тариқа олинган материал мияда яхшироқ ўзлаштирилиб, қайта ишланади. Бугунга қадар номаълум қолаётган жиҳат эса ушбу жараён янги олинаётган ахборотларга ҳам таъсир кўрсатадими-йўқми, деган савол билан боғлиқ.

Психологлар тадқиқот ишига 35 нафар кўнгиллини жалб этишди. Дастлаб қатнашчиларга А ва В суратлар бир неча маротаба қайта намойиш этилиб, суратда ифода-ланган тасвирни эслаб қолиш сўралди. Танаффуслар вақтида иштирокчилар бошқа нарсалар ҳақида ўйлар экан (фақат ухлаш ҳақида эмас), уларнинг миёсидаги нейрон ўзгаришлари магнит-резонанс томографияси орқали кузатиб борилди. Шундан сўнг кўнгиллиларга бир қатор янги суратлар кўрсатилиб, янги тасвирларнинг қанчалик ёдда сақлангани ўрганилди.

Магнит-резонанс томография натижаларидан маълум бўлдики, бош миyaning айрим қисмларидаги нейронлар фаолияти даражаси янги суратларни эслаб қолишга катта таъсир кўрсатган. Дастлабки тадқиқотлар мобайнида маълумотларни таҳлил қилиш қанчалик фаол кечган бўлса, улар билан боғлиқ янги маълумотлар шунчалик яхши эслаб қолинган.

БАЛИҚЛАР ҲАМ ЎЙИНҚАРОҚЛИКНИ ЁҚТИРАДИ

Тенниси университети профессори Гордон Бурҗардт бошчилигида ўтказилган қузатувлар балиқлар ҳам ўйинларни ёқтиришини кўрсатди. Икки йиллик изланишлар натижаси «Ethology» илмий журналида эълон қилинди.

Тадқиқотчилар аввалроқ ўйинқароқлик одадини нафақат сўт эмизувчилар, балки судралиб юрувчи ва умуртқасизларда ҳам кузатишган эди. Бирок бугунга қадар бундай ноодатий ҳаракатлар балиқларда қайд этилмаганди.

Бурҗардтнинг қайд этишича, ўйинқароқлик балиқлардаги ўзгармас ва тақрорланувчи ҳаракатлар ҳосиласи бўлиб, хавфсиз ва тинч муҳитда юзага чиқади.

Олимлар «Tropheus duboisi» турига мансуб учта эркак балиқни кузатар экан, улар аквариум тубига мустаҳкамланган термометрни атайин уриб ўйнаётганини пайқаб қолишди. Бурҗардт термометрни тебратиб, балиқларни яна ўйнашга ундагандан кейин улар бу машғулота бажонидил киришди.

Олимларнинг сўзларига кўра, жониворлардаги ўйин феноменини ўрганиш инсон табиатини ҳам чуқурроқ аңлаш, ўйинларнинг ривожланиш босқичларида қанчалик аҳамият касб этишини аниқлашга ёрдам беради.

Санжар РУСТАМОВ, Одина ҚУЛМУРОВА тайёрлади.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ўзбек филологияси факультетининг «Ўзбек адабиёти ва матншунослик» кафедраси фахрий профессори Санжар Содиковга турмуш ўртоғи **Лобар МИРАЅЗАМ** қизининг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетининг геология ва қончилик иши факультети жамоаси «Маркшейдерлик иши ва геодезия» кафедраси профессори, академик **Ваҳоб РАҲИМОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия билдиради.

Чилонзор туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ҳамда Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Чилонзор туман кенгаши, 126-мактаб маъмурияти ва касаба уюшмаси қўмитаси шу мактаб директори Маъмура Раҳимовага онаси **Ҳажида Тўхтабоева**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Чилонзор туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ҳамда Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Чилонзор туман кенгаши туман ХТМФМТТЭ бўлимининг собиқ мудир Ийўлдош Шорустамовга отаси **ЭРҒАШ** отаниннг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

Гурун

Абу Райхон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-БЕРУНИЙ

ГАВҲАР ҚОШИҚ

НАҚЛ

Халифа ал-Мутаваккил бир куни Наврӯз совғаларини қабул қилиш учун ўтирган экан, унга одамлар ҳар хил нафис маржонлардан ва зариф, камёб нарса-лардан тақдим қилишибди. Шунда унинг табиби Жибрил ибн Бахтиёшў кириб қолибди.

Халифа у киши билан ҳамсухбат, ҳамуфат экан. Шунда халифа ундан:

— Хўш, бугунгиларга нима дейсан? — деб сўрабди.

— Бу худди гадоиларнинг тиланчилигига ўхшайди, — дебди у халифига. — Улар келтираётган совғаларнинг ҳеч қайсисининг кадри йўқ. Кел, энди мендаги нарса-ни қабул қил.

У шундай дебди-ю, абнус дарахтидан ясалган бир қутичани чиқарибди. Қутичага тилла ҳал югуртирилган экан. Ундаги яшил шойи парчасини кўтарган экан, гавҳардан ясалган катта қошиқ худди думли юлдуздек ярақлаб кетибди.

Табиб қутичани Халифа олди-га қўйибди. Ал-Мутаваккил бундай қараса, бунақасини ҳеч қим кўрмаган экан. Шунда Халифа ундан сўрабди:

— Булар қандай қилиб сенинг қўлингга тушиб қолди?

— Қўли очик одамлардан, — деб жавоб берибди табиб ва воқеани гапириб берибди:

— Бу нарса отамга Умм Жаъфар Зубайдадан қолган. Отамга бу Умм Жаъфарнинг учта дарди-

га даво топгани учун уч марта уч минг динардан берилган пул билан бирга ўтган.

Зубайда отамга томоқ оғриғидан шикоят қилган. Унга отам қон қуйишни буюрган, томоғини хўллаб туришни айтган, фақат мен буюрган тарзда тайёрланган овқатнигина ейиш керак, деган. Шу билан отам насихатига кўра овқат пишириб ажибсифат бир чинни идишга солиб келишган. Унда шу қошиқ бор эди. Отам менга қараб кўзини қисиб, қошиқни олишимга ишора қилди. Мен шундай қилдим-да, чакмонимга ўраб олдим. Хизматчи уни мендан тортиб олмоқчи бўлди. Умм Жаъфар ходимига қараб:

— Унга яхши гапиргин, ўзи қайтариб берсин, ўрнига ўн минг динар бер, — деди.

Мен кўнмадим. Шунда отам: — Саййидам, ўғлим ҳеч ўғирлик қилмаган, биринчи марта номмақулчилик қилганида уялтирманг, тагин юраги ёрилиб ўлма-син, — деди.

У қўлиб қошиқни мен билан отамга совға қилди.

Бунда қошиқнинг асли нимадан эканлиги айтилмаган бўлса ҳам, хикояда айтилганидек, порлаб, товланиб туришидан унинг ёқутлигига далолат қилади.

Шундан сўнг Халифа хотиннинг бошқа икки дарди ҳақида сўраган экан, у айтибди:

— Нима бўлибди-ю, сарой ходималаридан бири унга, саййидам, озингиздан ҳид чиқаяпти, деб қолибди. Бу гапдан у шундай уялибдики, ундай гапни эшитишдан кўра ўлганим яхшироқ эди, дебди. Шу билан уни асргача оч қолдириб, сиркаланган балиқ едиришибди, энг ёмон хурмодан тайёрланган мусалласнинг қолдигини ичиришибди. У бўлса бунинг сассиқ ҳидига чидаи олмай бўғилибди, кўнгли айниб қусибди, шу тариқа уч кун давомида турибди, кейин унга:

— Энди сен бориб ўша озингиздан ҳид келаяпти, деганга «кўх» дегин-ҳи, ҳиди кетибдими-йўқми, айтсин, — дебди...

Уни жонҳалак қилган учинчи касал қаттиқ ҳикочок экан. Уни шундай ёмон ҳикочок тутар эканки, ҳатто ҳикочок овози ҳўжрасидан ташқарига ҳам эшитиларкан. Шунда отам хизматчиларга буюриб, қасрнинг бурчак-бурчакларига сув тўлдирилган кўзаларни тиздириб қўйибди; ҳар бир кўза орқасида бир хизматчи пойлаб турадиган, қачон хотинни ҳикочок тутса, ўша заҳоти биров қўлини қўлига уриб чапак чаладиган, хизматчилар дарҳол идишларни саройнинг ўртасига улоқтириб юборадиган бўлибди. Хотин бу тунги шовқин-сурондан чўчиб уйғониб, ўрнидан сакраб турибди, шу тариқа унинг ҳикочоги тузалиб кетибди.

Хазина

Бадриддин ХИЛОЛИЙ

РУБОЙЛАР

Ғам қўлдиру ғамгусор хоҳлайману йўқ,
Қўлда бўлишин нигор хоҳлайману йўқ.
Бегона ғами хоҳламасан-да бордир,
Ташриф этишини ёр хоҳлайману йўқ.

Токай бу жаҳонда дил ҳазин бўлғайдир,
Ғам-қайғу билан дўсту яқин бўлғайдир.
Ғам чекма, жаҳон асли азал шундай эди,
Энди тоабат шу хил у, чин, бўлғайдир.

Нур кўзгуси ёр юзида ошкор бу кеча,
Эй ой, яширин — ҳатлама девор бу кеча,
Эй офтоб, ўрал энди булут пардасига,
Эй тонг, шошилма, отма зинҳор бу кеча.

Келтирди дилим мени фиғонга, не қилай?
Нурсиз бу ҳаёт тегди-ку жонга, не қилай?
Ғамма билди — сабр эканини чора,
Сабр етмас эса мен нотавонга, не қилай?

Эй дўсту яқинларимки, бўлдингиз ёр,
Ошиқ бўлдим — маъзур тутинг зинҳор.
Кўнглингни ўшандан ўз дейсиз доим,
Ошиқ кишига барча насихат бекор.

Эй ёр, ситаму жафоларингдан тўйдим,
Ишқ олатига, бироқ барини йўйдим.
Ишқ қўйида мен агар жувонмарг бўлсам,
Қоним ҳақини сенинг бўйинингга қўйдим.

(«Минг бир рубой» китобидан.)

НАСРИДДИН АФАНДИ
ЛАТИФАЛАРИ

Хўкиз мени олди

Афанди бозордан хўкиз олиб етаклаб кетаётган эди, йўл-йўлакай: «Афандим, хўкиз қанча бўлди?», «Афандим, хўкизни сотиб олдингизми?» деган саволлар ёғилиб кетди.

Афанди жонидан безор бўлиб, арқоннинг бир учини ўзининг бўйинига боғлаб олди. Яна бир одам: — Хўкизни олдингизми, Афандим? — деб сўраган эди, Афанди:

— Йўқ, биродар, хўкиз мени олди, — деб жавоб берди.

Саволга яраша жавоб

Афанди эшак ўғирлатганини эшитиб, узоқ-яқиндан ошна-оғайнилари келиб кўнгил сўрашди. Уларга ош-сув қилиш учун эшак нархидан ўн ҳисса ортиқроқ пули кетди.

Бу ҳам етмагандек, бир зема оғайини келиб Афандига ҳар турли саволлар бера бошлади:

— Афандим, эшагингизни бир киши ўғирладими, кўпчилими? Эшакни миниб кетдими, етаклаб кетдими? Эшак остонадан чиқишида ўнг оёғи билан юриб чиқдими, чап оёғи биланми?..

Афанди жавоб берди:

— Янаги сафар эшак ўғирлатадиган бўлсам, сизни айтиб келаман, ҳаммасини ўз кўзингиз билан кўрасиз.

Ўғриликка кирдим деяйми
бўлмаса?

Афанди қўлида сават, бировнинг боғига кириб, анжирдан битта оғзига солиб, «оҳ-оҳ-оҳ» деб, ҳусайинини татиб кўриб, «оҳ-оҳ-оҳ» деб юрганни боғбон кўриб турган эди.

Афанди энди узум уза бошлаганди, боғбон келиб, Афандининг ёқасидан бўғди:

— Нега боққа кирдинг?

Афанди ундан баландроқ келди:

— Нега бўлмаса хотинингга қавуш олиб бермадинг?

— Ие, қизик одам экансан-ку, хотинимнинг қавуши билан нима ишинг бор?

— Ие, сен ўзинг қизик одам экансан. Ўғриликка кирдим деяйми бўлмаса!..

Мақсадни амалга оширишда жадд ва ғайрат зўр таъсир кучига эгадир.

Ёшлар касб-хунар, иш, тажриба, жадд ва ғайратга эга бўлганлари ва шу нарсаларни ўз вужудларига сингирганларидан сўнг, уларни аста-секин эгаллаб борадилар ҳамда айтиб ўтилган фазилатларни аниқлаб бориб, назарий билимларнинг ҳаммасида мантиқий фикрлаш усулини ишлатишга одатландилар. Шу тартибда болаларга ўргатиш йўли билан улар камол-

рафли иш ва фозиллик, ҳатто агар ташқи томондангина лаззат ва хурсандчилик келтирса ҳам, инсоний шарофатдан, деб ҳисобланади(каромат, ғалаба ва бойлик каби). Буларнинг барчаси бахт-саодатни тушуниб етишга сабаб бўлади.

Рухни тарбиялаш ва поклаш муттасил давом этсагина, яхши амалларга эришиш мумкин. Яхши хулқларнинг ҳар бир тури агар эҳёнда такрорланиб турсагина, улар жараёнда унинг фазилати ортиб, доимий равишда ўсим борув-

Donish chirog'i

келтириб, тинчлантириб турадиган «мувозанат нуқтаси» бор.

Баъзилар руҳда юз берадиган барча ҳодисалар шарр(ёмон)дир деб гумон қилади. Бу ҳаттодир. Рухий ҳодисалар уларнинг юз бериш жараёнида инсон бахтсизликка дучор бўлсагина шаррдир. Аммо муайян руҳий ҳодисалар сабабли инсон бахт-саодатга эришадиган бўлса, улар шарргина эмас, аксинча, уларнинг ҳаммаси хайрлидир.

Абу Наср ФОРОБИЙ

БАХТ-САОДАТ — АХЛОҚИЙ
ФАЗИЛАТЛАР НАТИЖАСИ

га етгунча ана шу фазилатлар шакллантирилади ва тарбия қилинади.

Инсон мудом интилиб яшайдиган тушунчани англатувчи каломнинг номи «бахт-саодат» деб аталади. Бу бахт-саодат юксак камолотга эришиш йўлида бўлган ҳар турли жузвий нарсаларни ўзида бирлаштиради. Жузвий нарсалар энг етуқ бахт-саодатга олиб борувчи фазилатли санъат(касб-хунар)лардир. Халқлар ва шахрлар ахллари тарбиялаш учун касб-хунарни эгаллашга ва камолотга эришишга ўз ихтиёрларича ҳавас билан интилган кишилар ҳақиқий фазилат эгалари, ҳақиқий санъат ахллари.

Фақат хайрли амаллар ва савоб ишларгина инсонни бахтли қила олади, фақат улар тўфайлигина инсон ҳақиқий бахт-саодатга эришадир. Бинобарин, ҳар қандай хайрли амал, ша-

чи кучлар — фазилатларга айланиши мумкин.

Камолга бошловчи йўл: фазилатли ва хайрли ишларни ички хоҳиш ва истак ила такрорлаш ва уларнинг давомийлиги.

Бахт-саодат — ахлоқий фазилатларнинг натижаси.

Бахт-саодат белгиси: руҳ лаззати ва Яратганнинг ўзига нисбатан муҳаббат.

Камол натижаси: абадийлик (мангулик)дир(яъни комил инсонгина мангу қоладиган ишларни амалга ошира олади).

Ҳар ким ўз иродасига боғлиқ ҳатти-ҳаракатларни бажаришга қодир бўлса, руҳан ва табиятан хайрли амаллар томон ўз иродасини йўналтира олади.

Ҳар бир инсонда унинг хилма-хил хоҳишларини муросага

Фозил шахар бирбутун ва соғлом баданга ўхшайди. Бу шундай баданки, унинг барча аъзолари ўзининг бутунлиги ва ҳаётини сақлаш учун бир-бирлари билан ҳамкорлик қиладилар.

Табиий истеъодларни юзага чиқариш учун икки хил омил:

1) машқ қилиш ва ўқиш;
2) меъёрдаги турмуш тарзи, изтироблар, тасодифий бахтсиз ҳодисалар, турли таъйиқлар ва ташқи таъсирлар самарали омил бўлади.

Ҳақиқий бахтга эришиш мақсадида ўзаро ёрдам қилувчи кишиларни бирлаштирган шахар — фазилатли шахардир, бахтга эришиш мақсадида бирлашган кишилар жамоаси — фазилатли жамоадир.

Саҳифани Маҳмуд САЪДИЙ тайёрлади.

2014-yil 29-oktabr, № 87 (8736)

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йилларданок Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида халқимизнинг тинч-осуда, фаровон ва бахтли ҳаёт кечирishi, эзгу мақсадларини рўёбга чиқариши, буюк келажагимиз бунёдкорлари бўлган ёшларимизнинг билим олиши, замонавий касб-ҳунарларни эгаллаши, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиб, ўз иқтидор ва салоҳиятини намоён қилиши учун кенг имконият ва зарур шароитлар яратилди.

президенти Дато Зайнал Абу Зарин алоҳида таъкидлаган эди: "Ўзбекистонда Олимпия ва Паралимпия дастурига киритилган спорт турлари жадал ривожланмоқда. Бу Президентингиз томонидан олимпия ва паралимпия ҳаракати ривожлантириш, мамлакатингизда жисмоний тарбия ва спортни аҳолининг барча қатламлари — болалар, қизлар, ёшлар, жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлар ўртасида оммалаштиришга улкан эътибор қаратилаётганининг самарасидир. Бундай хайрли ишлар бошқа мамла-

зиёд мамлакатдан фақат 32 тасининг спортчилари шохсупага кўтарилди, шундан 23 давлат вакиллари олтин медалга сазовор бўлди.

2010 йили Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида бўлиб ўтган Парасиё ўйинларида Ўзбекистон паралимпиячилари 1 олтин, 2 кумуш ва 3 бронза, жами 6 медални қўлга киритган эди. Бу галги мусобақаларда олтин медалларини 20 тадан ошди. Ҳатто қатнашувчи спортчилари бизниқидан бир неча баробар кўп бўлган айрим давлатлар ҳам шунча олтин медални қўлга кирита олгани йўқ.



ЎЗБЕКИСТОН СПОРТЧИЛАРИНИНГ ПАРАОСИЁ ЎЙИНЛАРИДАГИ ЮКСАК ҒАЛАБАЛАРИ

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан спортни ривожлантириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида 2002 йилда Республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилган эди. Ўтган давр мобайнида жамғарма томонидан мамлакатнинг барча ҳудудларида юзлаб замонавий, зарур шароитларга эга спорт мажмуалари, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, сузиш ҳавзалари, стадион ҳамда спорт манежлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Мамлакатимизда ўғил-қиз-

катлар учун намуна ҳисобланади".

Ҳаёт синовларини мардонорон энгиб ўтиб, кўзлаган мақсади сари дадил қадам ташлайдиган, иродаси мустаҳкам, сабр-тоқат, шижоат ва матонат бобида кўпчиликка ўрнак бўла оладиган инсонларнинг савий-ҳаракати, эришаётган натижалари ҳар қанча таҳсинга лойиқ.

Жанубий Кореянинг Инчئون шаҳрида ўтган "Парасиё — 2014" мусобақаларида Ўзбекистон спортчиларининг ишти-лиши, ғалабага бўлган юксак ишончи уларнинг эришган на-

Бу кўрсаткич, бу ютуқлар мамлакатимизда спортни ривожлантириш борасида давлатимиз раҳбари томонидан кўрсатилаётган эътибор, юрти-мизда истеъдод соҳиблари ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганининг амалий самараларидир.

Спортчиларимизнинг энгил атлетика баҳсларида эришган натижалари ҳам таҳсинга лойиқ. Ушбу спорт тури бўйича нафақат қитъамизда, балки жаҳонда етакчилардан бири сифатида эътироф этиладиган паралимпиячиларимиз 8 олтин, 4 кумуш ва 3 бронза медални қўлга киритиб, бу эътироф тасодиф эмаслигини яна бир қарра исботлади.

Энгил атлетикачиларимиздан спорт делегациямиз ҳисобига дастлабки олтин медални Фахриддин Хамроев келтирди. У 800 метр масофага югуриш мусобақасида маррага биринчи етиб келиб, Осиё рекордини янгилади. Шунингдек, у 200 ва 400 метрга югуришда ҳам рақибларига ҳеч қандай имконият қолдирмади. Унинг 400 метрга қайд этган натижаси ҳам Осиё рекорди, ҳам Парасиё ўйинлари рекорди сифатида қайд этилди.

Иқтидорли энгил атлетикачиларимиз Маъруфжон Муродиллаев 1500 метр ва 800 метр масофага югуриш баҳсларида маррага биринчи келиб, икки марта шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. У мазкур масофаларда эришган натижалари билан Осиё рекордчисига айланди.

Яна бир олтин медал 4x100 метр масофага югуриш бўйича ўтказилган жамоавий баҳсда қўлга киритилди. Терма жамоамиз сафида Миран Сахатов, Дониёр Солиев, Улғубек Чориев ва Фахриддин Хамроев энг юқори натижани кўрсатди.

Ўзбекистон спорт делегацияси байроқдори Мавлонбек Ҳайдаров ядро улоқтириш мусобақасида 14 метр 39 сантиметр натижани қайд этиб, Осиё рекордини ҳам янгилади.

— Парасиё ўйинлари очилишида бошим узра баланд қўтариб ўтган давлатимиз байроғини шохсупада ҳам энг баланд поғонага кўтаришни ният қилган эдим, — дейди М.Ҳайдаров. — Ниятимга етганим-

дан, менга юксак ишонч билдирган мураббийларим, халқимиз ва Президентимизнинг ишончини оқлаганимдан беҳад хурсандман.

Энгил атлетиканинг диск улоқтириш баҳсларида иштирок этган Хусниддин Норбеков 53 метр 84 сантиметр натижани қайд этиб, биринчи ўринни эгаллади. Тажрибали спортчимиз ядро улоқтиришда кумуш медалга сазовор бўлди.

Узунликка сакраш мусобақаларида иштирок этган Фаррух Мирзакулов кумуш, турли масофаларга югуриш бўйича Миран Сахатов иккита кумуш, Сирожиддин Норов иккита бронза ва Дамир Пашаев битта бронза медал билан тақдирланди.

Инчئونдаги мусобақанинг дзюдо бўйича ўтказилган беллашувларида спортчиларимиз етита олтин, биттадан кумуш ва бронза медални қўлга киритди.

2012 йил Лондонда ўтган Паралимпия ўйинлари кумуш медални совриндори Шариф Халилов вазни 81 килограммгача бўлган полвонлар мусобақасида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. Тажрибали полвонимиз эронлик Саид Нури Жаъфарийни, япончилик Юсуке Хатсуэни, халқилувчи баҳсда тайландлик Рунг Чатфуенгни мағлубиятга учратиб, шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

— Қитъамиз спортчиларининг нуфузли мусобақасида Ватанимиз байроғини сарбаладг этиб, мадҳиями баралла янграшига ўз хиссамни қўшганимдан беҳад бахтиёрман, — дейди Ш.Халилов. — Бундай ғалабаларимиз замирида Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ўз иқтидор ва истеъдодини юзага чиқариш учун қаратилган юксак эътибор ва доимий ғамхўрлик мужассамдир.

Яна бир маҳоратли спортчимиз, дзюдо бўйича жаҳон чемпиони Одилжон Тулендибоев энг оғир вазндаги полвонлар беллашувида ўз салоҳиятини намоён этди. У ҳалқилувчи баҳсда эронлик Ҳамза Надрийни 19 сонияда энгиб, Парасиё ўйинларининг олтин медалига сазовор бўлди.

Мусобақанинг вазни 73 килограммгача бўлган полвонлар баҳсида ҳамюртимиз Феруз Саидов ҳам терма жамоамиз ҳисобиغا олтин медални туҳфа этди. Полвонимиз чорак финалда ҳиндистонлик Манохаран Янакираманни, ярим финалда япончилик Хидекацу Такаhashини, халқилувчи баҳсда эронлик Муҳаммад Али Шананини мағлубиятга учратиб, Парасиё ўйинлари голибига айланди.

Полвонларимиздан Шерзод Намозов, Нурбек Бердийёров, Шўхрат Бобоев, қизлар баҳсида Севинч Салаева ҳам ўз вазн тоифасида барча рақибни устидан муваффақият қозониб, олтин медални қўлга киритди.

Гулруҳ Раҳимова кумуш медал билан тақдирланган бўлса, Ширин Шарипов кучли учликдан жой олди.

Сузиш баҳсларида иштирок этган ҳамюртимиз Кирилл Паньков бир йўла тўртта, Дмитрий Хорлин учта олтин медални қўлга киритди. 2012 йили Лондонда ўтган Паралимпия ўйинларида муносиб иштирок этиб, икки марта Осиё рекордини ўрнатган Кирилл Паньков 50 ва 100 метр масофага эркин, 100 метрга чалқанча усулда ва 200 метрга комплекс сузиш бўйича рақибларига ҳеч қандай имконият қолдирмаган бўлса, Дмитрий Хорлин 50, 100 ва 400 метрга эркин усулда сузиш баҳсларида шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Эътиборлиси, Дмитрий Хорлиннинг ҳар уч йўналишда, Кирилл Паньковнинг 50 метр масофага эркин сузишда қайд этган натижаси Осиё рекорди сифатида эътироф этилди.

Умуман олганда, Ўзбекистон паралимпиячилари II Парасиё ўйинларида ўз маҳорати, матонати ва шижоатини тўла намоён этиб, Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. Спортчиларимиз келажақдаги нуфузли мусобақаларда, жумладан, 2016 йили Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўладиган XV Паралимпия ўйинларида бундан-да юксак ғалабаларга эришиб, халқимиз ва Президентимиз ишончини оқлагани ишонан-миз.



ЎЗА суратлари.

лар ўртасида спортни оммалаштириш, уларнинг иқтидорини юзага чиқаришнинг муҳим воситаси сифатида таълим тизимида "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада мусобақаларидан иборат уч босқичли спорт ўйинлари жорий қилинган ёшларимизнинг соғлом бўлиб улғайиши баробарида уларнинг истеъдод ва салоҳиятини юзага чиқаришида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу жараёнда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами, жисмоний имконияти чекланган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, моддий ва маънавий кўмак бериш, билим олиши, саломатлигини мустаҳкамлаш, ўз қизиқиш ва интилишига мос касб-ҳунар эгаллаши, спорт билан шуғулланишини таъминлаш доимий эътиборда.

Бу жиҳатларни 2013 йили пойтахтимизда ўтказилган "Осиёда Паралимпия ҳаракатини ривожлантириш" мавзусидаги халқаро анжуманда Осиё паралимпия кўмитаси

тижаларида яққол намоён бўлди. Паралимпиячиларимиз Ватанин мадҳ этиш, унинг обрў-эътиборини юксалтиришдек эзгу мақсадини, фарзандлик бурчини чин дилдан адо этди.

Ўзбекистон паралимпиячиларининг мазкур нуфузли мусобақасида пухта тайёргарлик кўришида давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 февралдаги "Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида"ги қарори муҳим дастурийлашма бўлди. Қарорга кўра, спортчиларимизнинг замонавий меъёrlар асосида ўқув-машгулот йиғинларини ўтказиши, тажриба ва маҳоратини ошириши, Парасиё ўйинларида йўлланма берадиган нуфузли мусобақаларга тайёрланиши ва уларда муносиб қатнашиши учун барча шарт-шароит яратилди.

Инчئونда ўтган мазкур нуфузли мусобақада қирқдан

Фақат октябрда!

ДИҚҚАТ!

Таълим муассасалари учун

АКЦИЯ

Ўзбекистонда 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни умумхалқ байрами муносабати билан «Менинг шахрим» лойиҳаси Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги мактаблар, академик лицей ва касб-хунар коллежи ўқувчиларига қуйидаги дастурлардан ИККИ ОЙ БЕПУЛ ФЙДАЛАНИШ имконини тақдим этади:

- Лицей ва коллежларга ўқишга қираётганлар учун электрон тайёрлов тестлари (мактаблар учун);
- Слий таълим муассасаларига кирувчилар учун электрон тайёрлов тестлари (лицейлар ва коллежлар учун);
- Математика — аниқ фанлар билан шуғулланмоқчи бўлганлар учун математика бўйича назарий материал ва мақбул ёчиш йули кўрсатилган тестлар.

Дастурий маҳсулотлар қуйидагиларни ҳам ўз ичига олган:

- ўқувчиларни касбга йўналтириш билан шуғулланадиган педагогларга ёрдам сифатида психологик тестлар;
- ихтисосликлар маълумотномаси ва уларнинг тавсифлари (ўзбек ва рус тилларида).

ҚАНДАЙ ҚИЛИБ АКЦИЯ ИШТИРОКЧИСИ БЎЛИШ МУМКИН?

Агар Сиз Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ўқув муассасасида таълим олаётган бўлсангиз, у ҳолда:

- www.mg.uz сайтига киришингиз;
- анкета саҳифасига ўтишингиз;
- электрон тестларни юклаб олиш имконини қўлга киритиш учун қисқа анкетани тўлдиришингиз;
- керакли дастурий маҳсулотларни юклаб олиб, рўйхатдан ўтиш чоғида «Дастурий синаш» тугмасини босишингиз мумкин.

Тошкентдаги мактаб, лицей ва коллежлар учун электрон тестларни ўз ичига олган барча дастурий маҳсулотларнинг тақдимот маросимлари ўтказилиб, шундан сўнг 1 та компьютерга битта ишчи дастур ўрнатилади.

Батафсил маълумот олиш ва тақдимот маросимлари ўтказишга бюрутманомаларни бериш учун қуйидаги телефонлар орқали мурожаат этинг: 283-39-34, 283-39-32.

Хизматлар лицензияланган.

ШИФОБАХШ МАСКАН

Шифокор Мухаммадзидда гепатит хасталиги борлигини айтган кундан Дилдоракнинг ҳаловати йўқолди. Бир ойлик даволаш муолажаларидан сўнг фикрини жамлаб, бир қарорга келди. Марғилон шахридаги 24-соғломлаштирувчи мактабга таълим муассасасида айнан шу касаллик билан оғриган болалар даволанишини эшитган эди. Уғлини шу боғчага олиб борди. Тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилгач, Мухаммадзид мазкур муассасага қабул қилинди. Орадан вақт ўтиб кичкинтой маскандан шифо топиб, соғлом болалар қатори мактабга кузатилди.

Maktabgacha ta'lim



Айни пайтда мазкур муассасада 235 тарбияланувчига 40 нафар педагог таълим-тарбия бермоқда. Тарбиячилар уч нафар ҳамшира кўмағида ҳар бир бола билан алоҳида машғул олиб боришади. Тиббиёт ходимлари ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган давра суҳбатлари оилаларда соғлом муҳитни шакллантиришга, энг асосийси, "Соғлом бола йили" Давлат дастури ижросини тўлақонли таъминлашга қаратилмоқда. Жорий йилнинг ўзига муассасада 218 нафар кичкинтой соғломлаштирилди. Шундан 21 нафари мактабга кузатилди.

— Масканимизга вирусли гепатит билан оғриган болалар даволанишидан кейинги тикланиш даврида қабул қилиниб, олти ой мобайнида соғломлаштирилади, — дейди муассаса мудириси Мунаввара Асқарова. — Сўнгра тиббий кўриқдан ўтказилиб, соғлом деб тахшис қўйилган ўғил-қиз-



лар ўзи истиқомат қиладиган ҳудуддаги умумий типдаги мактабгача таълим муассасасига қайтарилди. Зарур ҳолларда мактабга чиққунга қадар шу ерда тарбияланади. Кичкинтойлар йилда икки маротаба қон таҳлили олиниб, ҳар ойда бир марта тўлиқ шифокор кўриғидан ўтказилади. А ва С витаминлари билан таъминла-

ниб, ақлий ҳамда жисмоний зўриқишлардан химояланади.

Тарбияланувчилар беш маҳал овқатланиб, шифобахш ўсимлик дамламаларини ичишади. Озода ва шинам 14та гуруҳ хонасида ўтказиладиган машғулотларда фаол иштирок этишади.

Хуршид СУЛТОНОВ,
журналист

Ma'rifat

TA'SIS ETUVCHILAR:

*O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi,
O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus
ta'lim vazirligi, O'zbekiston
Ta'lim, fan va madaniyat
xodimlari kasaba uyushmasi
Respublika kengashi.*

Bosh muharrir Abdusamat RAHIMOV

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Indeks: 149, 150. G-1024. Tiraj 39275.

Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:

qabulxona — 233-50-55;
kotihiyat — 233-99-15;
reklama va marketing bo'limi —
233-42-92(faks), 236-54-17.

ISSN 2010-4131



*«Ma'rifat» dan
materiallarni ko'chirib
bosish tahririyat ruxsati
bilan amalga oshirilishi
shart.*

*Tahririyatga kelgan
qo'lyozmalar taqrib
qilinmaydi va muallifga
qaytarilmaydi.*

MANZILIMIZ:
100083, Toshkent shahri,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:
Liliya BINASHEVA, Malohat TOSHOVA.
Naybatchi muharrir:
Ilhom JO'RAYEV.
Naybatchi:
Bobomurod XUDOYBERDIYEV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.
Korxonada manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

O'za yakuni — 23.10 Topshirildi — 23.55

1 2 3 4 5